

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

50-сон
(862)
2018 йил
17 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

948. «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5594-сон Фармони
949. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5596-сон Фармони
950. «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5597-сон Фармони
951. «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувиغا рақамли иқтисодиёт,

- электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги ПФ-5598-сон Фармони
952. «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ-4056-сон қарори
953. «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4058-сон қарори
954. «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарори
955. «Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4060-сон қарори
956. «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4061-сон қарори

Учинчи бўлим

957. ««Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 декабрдаги 1004-сон қарори

Бешинчи бўлим

958. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 октябрдаги 228-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097*)
959. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/3-сон «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029-1*)

960. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/10-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-4*)
961. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги 549-мх-сон «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928-2*)
962. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 15 ноябрдаги 13-мх-сон «Экстернат тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2670-1*)
963. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 30 ноябрдаги 01/15-1-10/38-сон «Стратегик ва монополь маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-5*)
964. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 11 декабрдаги 38, 79, 56, 9, 14, 01-02/12-52-сон «Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этишда кўмаклашиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2269-1*)
965. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 ноябрдаги 26-2018-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963-2*)
966. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 13 декабрдаги 554-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги*

томонидан 2018 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3098)

967. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратурасининг 2018 йил 20 ноябрдаги 52, 74, 11-192-18, 68-ққ-сон «Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3099*)

968. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 13 ноябрдаги 142-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (4-сонли БҲС) «Валюта курси ўзгаришининг таъсири»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3100*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 8 декабрдан 14 декабргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

948 Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатдаги минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш учун замонавий технологияларни жалб этган ҳолда иқтисодиётни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш борасида кенг қўламли дастурларни изчил амалга ошириш етакчи тармоқлар, шу жумладан энергетика, нефть ва газ, кон-металлургия ва кимё саноатини ривожлантиришнинг жадал суръатларини сақлаш имконини бермоқда.

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш орқали, шу жумладан атом энергетикасини ташкил этиш ҳисобидан республиканинг электр энергиясига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, таҳлил ва ўрганиш натижалари хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсати самарасизлиги ҳамда бу йўналишда методологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун етарли эътибор мавжуд эмаслигидан далолат бермоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги Маъмурий ислохотлар концепцияси вазифаларига мувофиқ, саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳаларида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда самарали давлат назоратини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси ва унинг минтақавий инспекциялари негизида Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси) ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси атом энергетикаси ва ядро технологиялари объектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги соҳала-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 декабрда эълон қилинган.

рида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш учун жавобгар бўлган ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига киради.

3. Қўйидагилар Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

атом энергетикаси ва ядро технологиялари объектларида радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хавфли ишлаб чиқариш объектларида саноат хавфсизлиги соҳаларида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича ишни мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш;

саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги ҳамда истироҳат боғлари аттракционларини эксплуатация қилиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш;

саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш борасида республикада ёқилғи-энергетика комплекси ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларини янада ривожлантириш бўйича стратегик режа ва дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида лицензиялаш, саноат, радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат назорати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

саноат хавфсизлигини экспертизадан ва аккредитациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, атом энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ объектлар хавфсизлигини экспертиза қилишни ташкил этиш;

саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги ҳамда истироҳат боғлари аттракционларини эксплуатация қилиш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

халқаро ва хорижий ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек, соҳа фаолиятига тааллуқли бўлган халқаро шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

техника ва технологияларнинг жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги соҳаларида фаолиятни амалга оширувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш.

4. Белгилансинки:

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари;

фаолият йўналиши бўйича, шу жумладан Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси бўйсунувидаги ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ишларни бажаришдан ва хизматлар кўрсатишдан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия ҳомийлик маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотлар грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини киритсин.

7. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

12. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
ПФ–5594-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги
ПФ–5594-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил
9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони билан тасдиқланган
Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. II бўлим қуйидаги мазмундаги 14-банд билан тўлдирилсин:
«14. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси».
2. VI бўлимнинг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги
ПФ–5594-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигини Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида» 2004 йил 9 июлдаги ПФ–3454-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 августдаги ПҚ–1396-сон қарорининг 7-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

949 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини ва тадбиркорлик субъектлари томонидан рақобатбардош шакар маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини янада таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
ПФ–5596-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги
ПФ–5596-сон Фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сон Фармонига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3-банднинг учинчи хатбошисидаги «2019» рақами «2020» рақами билан алмаштирилсин.

2. Илованинг 8-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	8. Хушбўй ҳид ва таъм берувчи ёки ранглантитувчи қўшимчаларсиз шакар хом ашёси	1701 12 — 1701 14	».
---	--	-------------------	----

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**950 Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда уларнинг салоҳияти, тажрибаси ва билимини тўлақонли жалб қилиш, пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, мазкур йўналишда халқаро тамойил ва стандартларни жорий этиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси 2019 йил 1 январдан пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар миқдори қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоровга пенсиялар барча ишловчи пенсионерларга ўз вақтида тўлиқ миқдорда тўланишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ой муддатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М. Мавлонов, Г.К. Саидоваларга юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
ПФ–5597-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги
ПФ–5597-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4906-сон Фармони 3-бандидаги «Нуроний» жамғармасининг барча ходимлари — пенсионерларга пенсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 фоиз миқдорда тўланган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006-сон қарори 3-банди тўртинчи хатбошидаги «пенсияси тўлиқ миқдорда тўланиши сақланган ҳолда,» сўзлари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги
ПФ–5597-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида» 1995 йил 20 ноябрдаги ПФ–1289-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларини бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаган шахсларга пенсияларни тўлаш тартиби тўғрисида» 1995 йил 28 декабрдаги ПФ–1334-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб қувватлаш тўғрисида» 1998 йил 23 апрелдаги ПФ–1990-сон Фармонининг 2-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталарининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси лавозимларида ишловчи аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 7 декабрдаги ПФ–3521-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 17 сентябрдаги ПФ–3921-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ПФ–4589-сон Фармони иловасининг 1-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февралдаги ПФ–4944-сон Фармони 6-бандининг бешинчи хатбоши.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари пенсионерларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПФ–4960-сон Фармонининг 1 — 1⁴-бандлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари пенсионерларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПФ–4960-сон Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 6 июлдаги ПФ–5110-сон Фармонининг 1-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсионерларнинг алоҳида тоифаларига қулай шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 28 декабрдаги ПФ–5291-сон Фармонининг 1-банди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПФ–5325-сон Фармонининг 14-банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари пенсионерларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПФ–4960-сонли Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 7 февралдаги ПФ–5328-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 15 февралдаги ПФ–5343-сон Фармони 6-бандининг тўртинчи хатбоши.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 мартдаги ПФ–5368-сон Фармони 8-бандининг иккинчи хатбоши.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 16 апрелдаги ПФ–5416-сон Фармони 11-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 4 майдаги ПФ–5430-сон Фармони 4-бандининг еттинчи хатбоши.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 1 июндаги ПФ–5454-сон Фармони иловасининг 3-банди «в» ва «г» кичик бандлари.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ–3680-сон қарори)» 2018 йил 20 августдаги ПФ–5516-сон Фармони иловасининг 1-банди.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ–5538-сон Фармони 2-бандининг еттинчи хатбоши.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ–3450-сон қарорининг 6-банди.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 26 апрелдаги ПҚ–3680-сон қарорининг 14-банди учинчи хатбоши.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон қарорининг 3-банди «б»-кичик бандининг иккинчи хатбоши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**951** Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда маъмурий тартиботлардан ўтишни содалаштириш, аҳоли турмуши сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган электрон ҳукуматни, шу жумладан давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида изчил чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, рақамлаштиришни таъминлашга ва рақамли иқтисодиётга ўтишга тўсқинлик қилаётган қатор ҳал қилинмаган муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, давлат ахборот тизимларини ривожлантиришнинг ягона принциплари ишлаб чиқилмаган, ушбу соҳадаги тадбирлар эса ўзаро ва бошқа ахборот тизимлари билан узвий боғланмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

«Электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаси лозим даражада ривожланмаяпти, бу давлат хизматларини кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

«Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишда таъсирчан мувофиқлаштирув ва ягона технологик ёндашувнинг мавжуд эмаслиги ресурсларнинг нооқилона фойдаланилишига олиб келмоқда ҳамда тадбирларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

Агентлик электрон ҳукумат соҳасидаги ҳамда давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этишда ваколатли орган ҳисобланади, ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъулдир;

Агентликнинг электрон ҳукумат соҳасида, шунингдек, давлат бошқарувида ахборот тизимларини жорий этиш бўйича ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ижросини таъминлаш республиканинг барча вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади;

давлат бошқарувида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларини яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар, шунингдек, бундай лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Агентликда экспертизадан ўтказилиши шарт;

Агентлик рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича вазифаларни амалга ошириш доирасида халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлар билан бевосита ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда:

ҳозирги кунда «Электрон ҳукумат» тизими доирасида амалга оширилаётган идоралараро ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш лойиҳаларининг ҳамда ахборот-коммуникация соҳасидаги бошқа лойиҳаларнинг (кейинги ўринларда — лойиҳалар) амалга оширилиши ва молиялаштирилишини тўхтатиб қўйсин;

бир ой муддатда лойиҳаларни тўлиқ хатловдан ўтказсин ва якуний натижалари бўйича Агентликка ахборот киритсин.

4. Агентлик:

а) 2019 йил 1 апрелга қадар амалга оширилаётган лойиҳаларнинг танқидий кўриб чиқилишини ҳамда мақсадга мувофиқ, долзарб, республикада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсад ва вазифаларига мос келадиган лойиҳаларнинг давом эттирилишини таъминласин;

б) 2019 йил 1 майга қадар қуйидагиларни назарда тутадиган «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш концепцияси лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминласин:

электрон ҳукуматнинг давлат, аҳоли ва бизнеснинг самарали ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек, жаҳоннинг рақамли маконига интеграциялашувини таъминлаш бўйича ягона миллий тизим сифатидаги мақсадли аҳамиятини белгилаш;

«Электрон ҳукумат» тизимининг таркиби ва тузилмасини, уни яратиш шартлари ва архитектурасининг концептуал асосларини, жумладан ташкилий, функционал, техник тузилмасини, шунингдек, асосий рақамли активлар рўйхатини аниқ белгилаш;

электрон ҳукуматни яратишнинг асосий принциплари ва функционал вазифаларини, электрон ҳукумат имкониятларидан фойдаланган ҳолда рақамли трансформацияга эришишнинг аниқ кўрсаткич ва индикаторларини белгилаш;

электрон ҳукуматни яратишнинг ҳуқуқий ва ташкилий-техник чораларини, жумладан рақамли трансформация жараёнларини тадқиқ этиш методологиясига, уларнинг ўзаро мувофиқлигига, ахборот соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик, маълумотлар алмашиш протоколлари ва форматининг ўзаро мослигига доир талабларни белгилаш;

шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича талабларни ҳисобга олган ҳолда ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва узатишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

«Электрон ҳукумат» тизимини яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш механизмлари ва босқичларини назарда тутиш;

«Электрон ҳукумат» тизимини жорий этишда унинг самарадорлиги ва шаффофлигини оширишни таъминлайдиган, жумладан лойиҳалар бўйича ягона миллий дистрибьюторни ташкил этиш орқали яхлит жараённи (ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, келишиш, лойиҳалар бўйича товарлар, ишлар, хизматлар харид қилиш, шунингдек, уларни фойдаланишга топширишнинг ягона тизимини) барпо этиш;

Агентлик негизида бошланғич лойиҳа сифатида электрон рақамли имзо инфратузилмасининг намунавий элементини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон қарорига мувофиқ Агентлик томонидан «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан биргаликда барча давлат хизматлари фақатгина операторнинг маълумотларни қайта ишлаш марказлари орқали кўрсатилишини таъминлашни назарда тутадиган 2019 — 2021 йилларда «Universal Mobile Systems» МЧЖни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 майига қадар маълумотларга ишлов бериш марказларига бўлган эҳтиёж ва уларнинг жойлашуви тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялашувининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 апрелдаги ПҚ-3673-сон қарорига мувофиқ Агентлик томонидан алоқанинг, шу жумладан, хорижда бўлиш вақтида, махфийлиги, тезкорлиги, хавфсизлиги ва телекоммуникация хизматларига сарфланадиган бюджет маблағларининг тежалишини таъминлайдиган ҳукумат мобиль алоқаси тизимини (кейинги ўринларда — тизим) ишга тушириш, синаш ва ундан тажриба тариқасида фойдаланиш ишлари бажарилди.

Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу тизим давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари учун ўз хизмат вазифаларини бажаришда фойдаланилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Агентлик Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг ўз хизмат вазифаларини бажаришда тизимдан фойдаланиши мажбурий бўлган ходимлари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 июлдаги ПФ-5120-сон Фармониغا мувофиқ яратиладиган Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими Агентлик томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича ушбу тизимнинг барча иштирокчилари томонидан фойдаланилиши мажбурий ҳисобланади.

Рўйхатга киритилган вазирлик ва идоралар ҳуқуқ эгаларининг тегишли лицензияларисиз дастурий маҳсулотлардан фойдаланишга йўлга қўймасдан, маълумотларнинг белгиланган протокол бўйича платформа форматада тақдим этилиши ва тизимга киритилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг алоқа билан таъминлашга 2018 йилги ва 2019 йилга мўлжалланган харажатлари тўғрисида вазирлик ва идоралар кесимидаги ахборотни Агентликка тақдим этсин;

ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг халқаро алоқа учун 2019 йилга мўлжалланган харажатларининг қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ушбу Фармонни амалга ошириш доирасидаги тадбирларни молиялаштиришга маблағ ажратилишини назарда тутсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентлик билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда — «Электрон ҳукумат» тизимидан фойдаланиш мақсадида фойдаланувчиларнинг мажбурий тартибда идентификация қилинишини назарда тутган ҳолда Интернет тармоғидан симсиз фойдаланиш бўйича оммавий нуқталар тўғрисидаги низом лойиҳасини;

бир ой муддатда — ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг электрон ҳукумат соҳасидаги ваколатларини, шунингдек, унинг тузилмасини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси икки ой муддатда «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш доирасида товарлар кириши учун алоҳида божхона омбори ташкил этилишини таъминласин.

12. Агентлик Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб

чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Агентлик директорининг биринчи ўринбосари Д.Р. Ли зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 декабрь,
ПФ–5598-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**952 Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш
тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш бўйича комплекс чоралар қабул қилинди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини мониторинг қилишнинг таъсирчан механизмлари ишлаб чиқилди, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро норма ва стандартларни самарали амалга ошириш заруратини туғдирмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришнинг таъсирчан тизимини яратиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекис-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 декабрда эълон қилинган.

тон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазибаларига мувофиқ:

1. Белгилансинки:

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (кейинги ўринларда — Марказ) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органи ҳисобланади;

Марказ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади;

Марказ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

Марказ давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича кўмаклашади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ташкилотлар ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, ушбу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларининг бажарилиши бўйича давлат органлари фаолиятига кўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича миллий маърузалар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари»ни) ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотларга маслаҳат бериш функциясини амалга ошириш ва уларга амалий кўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришда фаол ва бевосита иштирок этиш, идоралараро ҳамкорлик қилиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, шу жумладан судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилансин.

4. Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажаришга алоқадор вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари Марказ билан доимий ҳамкорлик қилиш, унинг сўровига кўра инсон ҳуқуқлари соҳасида тегишли ахборот ва статистик маълумотларни тақдим этиш учун масъул тузилмалар ва мансабдор шахсларни белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига:

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузалар лойиҳаларининг муҳокамаларини ўзларининг қўмита ва комиссияларида ўтказиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича миллий маърузаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг устав ва шартномавий органларида кўриб чиқиш яқунларини заруратга қараб эшитиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари»ни) тасдиқлаш тавсия қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни чеклаш масалалари бўйича қонун лойиҳалари Марказ билан мажбурий равишда келишилади.

6. Марказ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва бошқа ташкилотлар билан меморандумлар, ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузиш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро форумларда мунтазам иштирок этишни назарда тутувчи Марказнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқсин.

7. Қуйидагилар:

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 35 нафар кишидан иборат Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг янгиланган ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Марказ ходимларининг меҳнатига Ягона тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлаш разрядлари 3-иловага* мувофиқ;

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилансинки:

Марказни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган директор бошқаради;

Марказ директори унинг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод этиладиган иккита ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга;

Марказ директори мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича вазирга, директорнинг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига, директор ўринбосари вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун назарда тутилган махсус унвон — мартаба даражалари берилади ҳамда мартаба даражалари учун устама ва кўп йиллик хизматлари учун кўшимча ҳақ тўланади;

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Марказ ходимлари лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари 1,7 барабар кўпайтирилган миқдорда қўлланилади.

9. Марказ директорига:

зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига бошқарув ходимларининг умумий белгиланган сони доирасида ўзгартириш киритиш;

Марказ зиммасига юкланган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида маслаҳатчи сифатида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, илмий-тадқиқот муассасаларининг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, белгиланган тартибда халқаро ва хорижий ташкилотлар экспертларини жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

республика бюджетидан Марказ ходимлари лавозим маоши миқдорининг ошиши, уларга устама ва кўшимча ҳақлар тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур миқдорда маблағ ажратсин;

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Марказ ходимларининг иш ҳақи фондиди оширилган миқдорда молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин;

Марказга асосланган ҳисоб-китобларга кўра моддий-техник базасини шакллантиришга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва ахборот-коммуникация технологияларини сотиб олиш ҳамда маъмурий бинони таъмирлаш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Марказга хизмат кўрсатиш учун учта шахсан бириктирилган ва битта навбатчи автомобилни таъминлаб туриш учун зарур лимитлар ажратсин.

11. Марказ Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 15-уйга бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда Марказни алоқанинг зарур воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан ҳамда бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғидан кенг полосали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашсин, шунингдек, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда видеоконференциялар, интернет-форумлар ва телекўприклар ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин.

13. Марказ:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий судининг статистик ахборотлари мажбурий жўнатмалар реестрига;

Раҳбарлари ходимлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

14. Марказ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 декабрь,
ПҚ-4056-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги
ПҚ-4056-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини, миллий маърузалар тайёрланишини, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминловчи давлат органи ҳисобланади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Марказ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади.

5. Марказ ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

6. Марказ давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича қўмаклашади.

7. Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, халқаро ташкилотлар ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Марказнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, қисқартирилгани — Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ;

б) рус тилида:

тўлиқ — Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, қисқартирилгани — Национальный центр по правам человека;

в) инглиз тилида:

тўлиқ — National Centre of the Republic of Uzbekistan for Human Rights, қисқартирилгани — National Centre for Human Rights.

9. Марказ юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи ёзилган муҳрга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида ғазна ҳисоб рақамларига, миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, ушбу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларининг бажарилиши бўйича давлат органлари фаолиятига қўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш;

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича миллий маърузалар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари»ни) ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотларга маслаҳат бериш функциясини амалга ошириш ва уларга амалий қўмаклашиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

11. Марказ ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, ушбу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси халқаро мажбуриятларининг бажарилиши бўйича давлат органлари фаолиятига қўмаклашиш соҳасида:

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

халқаро ташкилотлар, шунингдек, хорижий давлатларнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳисоботларида тақдим этилган маълумотларга шарҳлар тайёрлайди;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш механизмларини янада такомиллаштириш бўйича давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро ташкилотларнинг таклифларини тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига риоя қилиш масалалари бўйича давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг ахборотларини тинглайди;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тузилмалардан келиб тушадиган индивидуал мурожаатлар бўйича тегишли чоралар кўради;

инсон ҳуқуқлари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни қўллаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг яқдил нуқтаи назарини шакллантиришга кўмаклашади;

б) инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсиялари бажарилишини мониторинг қилиш соҳасида:

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини давлат органлари томонидан бажарилиши масалалари бўйича маълумот тўплашни амалга оширади;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликка, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларига давлат органларининг риоя қилиш ҳолатини тизимли таҳлил қилади ва умумлаштиради;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тузилмалар тавсияларини, шунингдек, тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажаришнинг, шу жумладан маълумотлар базасидан фойдаланиш орқали миллий ҳаракат режаларини амалга ошириш бўйича яхлит услубиётни ишлаб чиқади ва мониторингини амалга оширади;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсияларини бажариш бўйича давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолайди;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тузилмалардан келиб тушадиган индивидуал мурожаатларни давлат органлари томонидан кўриб чиқишнинг тизимли мониторингини амалга оширади;

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, шунингдек, уларнинг ҳал қилиниши мониторинги ва таҳлилинини ўтказишни амалга оширади;

в) Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича миллий маърузалар тайёрлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсияларини амалга

ошириш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари»ни) ишлаб чиқиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари таъминланиши ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар йили чоп этади;

миллий маърузалар тайёрлаш жараёнларини стандартлаштириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ахборот ва маълумотларини йиғишни мувофиқлаштириш бўйича чоралар кўради;

инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаларини тайёрлаш ва тақдим этиш жараёнига инсон ҳуқуқлари кўрсаткичларини мослаштириш ва татбиқ қилиш бўйича чоралар кўради;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида БМТнинг устав ва шартномавий органлари учун Ўзбекистон Республикасининг асосий, миллий ва даврий маърузаларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлашни таъминлайди;

БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларини бажариш тўғрисида оралик ахборотлар тақдим қилади;

БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларини бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маърузалари лойиҳалари муҳокамаси юзасидан давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан мунтазам мувофиқлаштирувчи кенгашлар ўтказилади;

давлат органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маърузалари лойиҳаларининг муҳокамасини ўз вақтида ўтказишни таъминлайди;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро тузилмаларга Ўзбекистон Республикасининг миллий маърузаларини юборади ва уларни БМТнинг устав ва шартномавий органларига тақдим қилади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли миллий ва даврий ҳисоботларини кўриб чиқиш яқунлари бўйича БМТ устав ва шартномавий органларининг яқуний таклиф ва тавсияларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузаларини кўриб чиқиш яқунлари бўйича БМТ устав ва шартномавий органларининг яқуний таклиф ва тавсияларини давлат тилига таржима қилиш ва манфаатдор давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларига ўз вақтида жўнатишни таъминлайди;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг яқуний таклиф ва тавсияларини кўриб чиқиш ва бажариш бўйича давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини методик бошқаришни ҳамда уларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлайди;

манфаатдор давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари»ни) ишлаб чиқиш бўйича маслаҳатлашув ўтказилади;

БМТнинг устав ва шартномавий органларининг яқуний таклиф ва тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режаларини («йўл хариталари»

ни) ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тасдиқлаш учун тақдим қилади;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли даврий ҳисоботларини кўриб чиқиш яқунлари бўйича БМТнинг устав ва шартномавий органларининг якуний таклиф ва тавсияларини бажариш бўйича тасдиқланган миллий ҳаракат режалари («йўл хариталари») масъул ижрочиларга етказилишини таъминлайди;

БМТнинг устав ва шартномавий органларининг якуний таклиф ва тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режалари ижроси масалалари юзасидан давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари учун методик тавсиялар тайёрлайди;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасидаги илғор ўзгаришларни тавсифловчи инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-таҳлил ва статистик маълумотларнинг ягона базасини шакллантиради;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва минтақавий тузилмалар тавсияларининг ягона маълумотлар базасини ишлаб чиқади ва унинг ишлашини таъминлайди;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет халқаро ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши ҳолати ҳақидаги ҳолис ахборотнинг чоп этилишини ташкиллаштиради;

г) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш соҳасида;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг доимий таҳлилини амалга оширади ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг халқаро стандарт ва тавсияларини, шунингдек, илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилинишини таъминлаш чораларини ишлаб чиқади;

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларни ратификация қилиш ва тегишли давлат органлари томонидан уларнинг амалий ижроси бўйича таклифлар тайёрлайди;

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва муҳокамасида иштирок этади;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича қонун лойиҳаларини тайёрлаш ташаббуслари билан чиқади ва уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан кенг муҳокамасини ўтказиши, шунингдек, уларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига киритади;

д) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотларга маслаҳат бериш функциясини амалга ошириш ва уларга амалий кўмаклашиш соҳасида;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари борасида давлат органлари ходимларининг салоҳиятини ошириш бўйича чоралар кўради;

инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишига тўсқинлик қилувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш ишлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирларни ташкил этади;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашади;

е) инсон ҳуқуқлари соҳасида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўмаклашиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, ноширлик фаолиятини амалга ошириш соҳасида:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масалалари бўйича маърифат ва таълим тизимини такомиллаштиришга ёрдам кўрсатиб, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга йўналтирилган миллий дастурлар ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқади;

инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлайди ва тақдим қилади;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича давлат органлари ходимларини ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали механизмларини ва тартибини шакллантиради;

БМТнинг устав ва шартномавий органларига инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси миллий маърузаларини, муқобил маърузаларни, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий тузилмалар сўровларига жавобларни тайёрлаш асослари юзасидан давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларини ўқитиш бўйича ўқув курсларини ишлаб чиқади ва олиб боради;

ўқитишни ташкил этиш учун олий таълим муассасалари ўқитувчилари, амалиётчи мутахассислар, хорижий мутахассисларни жалб этади;

инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ахборот-маърифий кампаниялар, семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, учрашувлар, жамоат маслаҳатлашувларини ўтказиши;

инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиши, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни амалга оширишда халқаро ва хорижий тажриба юзасидан илмий-таҳлилий материалларни ўрганади ва тайёрлайди;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича илмий-техник грант ва лойиҳаларнинг амалга оширилишида иштирок этади, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий тузилмалар фаолиятидаги иштироки самарадорлигини илмий таҳлил қилади ва баҳолайди;

ноширлик фаолиятини олиб боради, «Демократлаштириш ва инсон

ҳуқуқлари» илмий-даврий нашрини ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа босма маҳсулотларни чоп этади;

ж) инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорликни амалга ошириш соҳасида:

Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Олий комиссари бошқармаси, БМТ тизимидаги дастурлар, фондлар ва ихтисослаштирилган муассасалар, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, уларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро ва минтақавий тадбирларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро сўй-ҳаракатларни фаоллаштиришга йўналтирилган ташаббусларини халқаро ташкилотларда илгари суриш бўйича чораларни ишлаб чиқади;

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар, бошқа ноҳукумат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ишида қатнашади;

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий тузилмалар билан халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади;

хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорликни амалга оширади ва ҳисобот ҳамда келгуси ҳаракатлар масалалари бўйича тажриба алмашади;

давлат органларини инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимояси борасидаги халқаро стандартлар ва илғор амалиёт билан таништириш мақсадида халқаро ва хорижий экспертлар иштирокида халқаро ва (ёки) минтақавий тадбирлар ташкил этади;

инсон ҳуқуқлари соҳасида қонунчилик, таълим ва маърифий масалаларни такомиллаштириш, давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятига халқаро стандартларни жорий этишни ташкиллаштириш юзасидан тажриба алмашиш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1-§. Марказнинг ҳуқуқлари

12. Марказ ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил муассасалари, бошқа ташкилотлардан Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот, статистик ва бошқа материал ҳамда маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат статистика органларидан Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича зарур статистик ахборотни бепул асосда олиш;

ўз ваколатларини амалга оширишда давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокуратураси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан ҳамкорлик қилиш;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича Олий Мажлис палаталари, Олий Мажлис қўмита ва комиссиялари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ҳайъатлари, Олий суд Пленуми, Конституциявий суд, Бош прокуратура, Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми, илмий ва таълим муассасаларининг илмий кенгашлари йиғилишларида иштирок этиш;

инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш муаммолари бўйича давлат органлари, ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ўтказадиган йиғилишлар, анжуманлар ва семинарларда иштирок этиш учун ўз вакилларини юбориш;

жазони ижро этиш муассасаларига, қамокда сақлаш жойларига ва махсус қабулхоналарга монеликсиз кириш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш, шунингдек, Марказ ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Президентига Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кўптомонлама халқаро шартномаларда иштироки мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари, шу жумладан жазони ижро этиш муассасалари, илмий ва таълим муассасалари ҳамда бошқа тузилмаларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича фаолият амалиётини жойларда бевосита ўрганиш;

инсон ҳуқуқларининг бузилиши аниқланган ҳолатларда ваколатли давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги маълумотлар текширувини уюштириш;

инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва такомиллаштириш мониторингини амалга ошириш, уларни такомиллаштириш ва амалиётга татбиқ этиш шакллари бўйича тавсиялар тақдим этиш;

манфаатдор ташкилотларга инсон ҳуқуқларига риоя этилишини, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари тикланишини таъминлаш бўйича тавсия бериш;

давлат органлари, илмий ва таълим муассасаларининг ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш;

давлат органларига фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилиш жараёнида аниқланган қонун бузилишини бартараф этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига олиб келадиган ҳолатларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш тўғрисида тавсияларни кўриб чиқиш учун киритиш;

Марказ ваколатига тааллуқли масалалар бўйича халқаро майдонда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифода этиш;

Марказ ваколатига тааллуқли масалаларни ташкил этиш ва ҳал этиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг етакчи олимлар ва юқори маалаки мутахассислари орасидан ишчи ва эксперт гуруҳлар тузиш;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда комплекс чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этиш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш масалаларини амалга оширишга оид давлат буюртмасига мувофиқ ушбу масалалар бўйича лойиҳаларни танлаш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссияларини тузиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг мутахассислари, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлилий муассасалар ходимлари, таълим муассасалари олимлари ва ўқитувчиларини миллий экспертлар сифатида илмий ва инновацион тадқиқотларга жалб этиш;

Марказ ваколатига тааллуқли масалалар бўйича «давра суҳбатлари», конференция ва семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш;

халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни амалга ошириш;

ноширлик фаолиятини белгиланган тартибда олиб бориш, даврий илмий-амалий нашрлар чиқариш;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақамлар очиш ва улар бўйича тегишли операцияларни ўтказиш;

Марказнинг моддий-техника базасини ва ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби, миқдори ва шартларини белгилаш;

қонунда белгиланган тартибда бюджет маблағларидан, шу жумладан Марказ томонидан грантлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар сифатида олинадиган валюта маблағларидан фойдаланиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2-§. Марказнинг мажбуриятлари

13. Марказ қуйидагилар учун масъулдир:

Марказга юклатилган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш бўйича дастурлар, тадбир режалари, «йўл хариталари» ва бошқа ҳужжатларни амалга оширишни ташкил қилиш.

4-боб. Марказ тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкил этиш

14. Марказнинг асосий таркибий бўлинмалари муайян муаммоларни хал этиш учун тузилган бўлимлар ҳисобланади.

15. Марказни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошқаради.

16. Директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари Марказ директори тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

17. Директор жойида бўлмаган даврда унинг ваколатларини бажариш директорнинг биринчи ўринбосари томонидан, у бўлмаганида эса директорнинг буйруғига мувофиқ бошқа ўринбосар томонидан амалга оширилади.

18. Марказ директори мақоми, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича вазирга, директорнинг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига, директор ўринбосари вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади.

19. Марказ ходимлари Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

20. Марказ директори, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари, шунингдек, Марказ бўлимлари бошлиқларига тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Бош тиббий бошқармасининг муассасаларида амалга оширилади.

21. Марказ ходимларига эгаллаган лавозимларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўйидаги энг юқори махсус унвонлар — мартаба даражалари берилади:

Ўзбекистон Республикаси Ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси — Марказ директорига;

1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси — Марказ директорининг биринчи ўринбосарига;

2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси — Марказ директори ўринбосарига;

2-даражали адлия маслаҳатчиси — Марказнинг бўлим бошлиқларига, директори ёрдамчисига, бош бухгалтерга;

3-даражали адлия маслаҳатчиси — Марказнинг бош мутахассисларига, бош юрисконсултига, кадрлар бўйича бош инспекторига, матбуот котибига;

1-даражали юрист — Марказнинг етакчи мутахассисларига.

Ўзбекистон Республикаси Ҳақиқий давлат адлия маслаҳатчиси, 1 ва 2-даражали давлат адлия маслаҳатчилари мартаба даражалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

2 ва 3-даражали адлия маслаҳатчилари, шунингдек, 1-даражали юрист мартаба даражалари Марказ директори тақдимномаси асосида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан берилади.

Марказ ходимларига мартаба даражаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ва Марказ директорининг қўшма буйруғи билан тасдиқланади.

22. Марказ ходимларига мартаба даражалари учун устама ва кўп йиллик хизмати учун қўшимча ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Марказ ходимларига:

кўп йиллик хизматлари, аввалги иш жойида берилган махсус унвон ва мартаба даражалари учун қўшимча ва устама ҳақ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида»ги қарори билан белгиланган лавозим маошларига 20 фоизли қўшимча ҳақ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сон «Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги Фармони билан белгиланган меҳнат ҳақи йиллик фондининг 15 фоизи миқдоридаги ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори билан белгиланган икки ойлик меҳнат ҳақи фонди миқдорида йиллик мукофотлаш ва ойлик меҳнат ҳақи миқдорида йиллик моддий ёрдам сақлаб қолинади.

24. Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Марказ ходимлари лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари 1,7 баравар кўпайтирилган миқдорда қўлланилади.

25. Марказ ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, лавозим йўриқномалари, Марказда амалда бўлган низомлар, йўриқномалар, ички меҳнат тартиб қоидаларига, жамоавий ва меҳнат шартномаларига мувофиқ белгиланади.

5-боб. Яқунловчи қоида

26. Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз бланкига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**953 Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5594-сон Фармониға мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси) таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг умумий сони 71 штат бирлигидан иборат Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг умумий сони 5 штат бирлигидан иборат Ангрэн кон-техника инспекцияси;

«Олмалик КМК» АЖ маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Олмалик кон-техника инспекцияси;

Қизилқум минтақавий инспекцияси негизида «Навоий КМК» ДК маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Қизилқум кон-техника инспекцияси ташкил этилсин.

2. Қўйидагилар Радиация ва ядро хавфсизлиги департаментининг асосий вазибалари этиб белгилансин:

радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўлиш ва атом энергиясидан фойдаланиш борасидаги фаолиятни амалга оширишда радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида самарали давлат назорати ва текширувини ташкил этиш ва таъминлаш;

назорати остидаги объектларда радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ядровий ва радиоактив материаллар билан ишлашда, атом энергиясидан фойдаланишда, ядровий материаллар, радиоактив моддалар, улар мавжуд бўлган радиоактив манбалар ва радиоактив чиқиндиларни қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш, фойдаланиш, кўмиш ҳамда жисмоний ҳимоялаш ва ҳисобини юритишда радиация ва ядро хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасидаги халқаро

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 декабрда эълон қилинган.

шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 122 штат бирлигидан иборат Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти тузилмаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, қўшимча киритилаётган:

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 20 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигини сақлаш давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида штатлар сонини зарур миқдорда қисқартирган ҳолда, уларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 65 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигини сақлаш 5-иловага* мувофиқ график бўйича 2019 — 2028 йиллар мобайнида босқичма-босқич ажратиш орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисига:

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва Ангрэн кон-техника инспекцияси тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мақсадида экспертиза бўйича ишларни амалга ошириш учун хорижий ихтисослаштирилган институтлар ва компаниялар, шунингдек, хорижий мутахассис ва экспертларни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси Тошкент шаҳри, Ц-14, 27-уй манзили бўйича жойлашган маъмурий бино А блокининг учинчи, тўртинчи, бешинчи қаватларида оператив бошқаруви ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси икки ой муддатда:

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари ва кон-техника инспекцияларини Саноат хавфсизлиги давлат

* 1 — 5-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қўмитасига юкланган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг таркибий ва бўйсунувидаги бўлинмалари тўғрисидаги низомларни (уставларни), шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тасдиқланишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасида Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари чегарасида маблағлар ажратсин ва 2019 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига 8 дона автотранспорт воситаларини, шу жумладан 4 дона махсус транспорт воситаларни сақлаш учун лимит ажратсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

қурилаётган ва фойдаланилаётган атом энергетикаси объектлари ҳолатининг доимий куну тунги назоратини таъминлайдиган Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти ходимларининг жойлашуви бевосита шу объектларда амалга оширилади;

ядровий объектлардан фойдаланувчи ташкилотлар ва атом энергетикаси объектларини қурувчи дирекциялар томонидан Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти ходимларига яшаши ва юклатилган функцияларни бажариши учун зарур шароитлар бегараз асосда таъминланади.

11. Белгилансинки, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг мансабдор шахслари юклатилган функцияларга мувофиқ белгиланган тартибда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг назорати остидаги объектларга тўсқинликсиз кириш;

хавфли ишлаб чиқариш объектлари саноат хавфсизлиги, радиация ва ядро хавфсизлиги, шунингдек, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги талабларига риоя этилиши ҳолати устидан назорат қилиш;

саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги талабларига риоя этмаган ҳолда олиб борилаётган ёки авария содир бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, одамлар ҳаёти хавф остида қолганда ёки авария ҳолатлари юзага келганда уларни иш жойларидан олиб чиқиш;

ўз ваколатлари доирасида қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва жисмоний шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш.

12. 2019 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ходимларига Ўзбекистон Республикасининг тегишли ҳудудларида жойлашган назорати остидаги ташкилотлар ходимлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган миқдорларда иш ҳақига туман (ҳудудий) коэффициентлари сақланиб қолинади;

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ходимларига Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан узлуксиз иш стажи (қўп йиллик хизмати) учун лавозим маошининг: 3 йилдан 5 йилгача — 20 фоизи, 5 йилдан 10 йилгача — 35 фоизи, 10 йилдан 15 йилгача — 50 фоизи, 15 йил ва ундан ортиқ — 60 фоизи миқдориди устамалар тўланади.

13. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ихтисослаштирилган институтлар ва ташкилотларни жалб этган ҳолда халқаро талабларга мувофиқ мутахассисларни мазкур соҳаларда тизимли ўқитиш ва тайёрлашни ташкил қилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг буюртманомаларига кўра атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мақсадида экспертиза бўйича ишларда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг буюртманомаларига кўра атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мақсадида экспертиза бўйича ишларда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга давлат божи ундирмаган ҳолда белгиланган тартибда кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, вақтинчалик прописка қилиниши, яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши ва муддати узайтирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг буюртманомаларига кўра атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш мақсадида экспертиза бўйича ишларда иштирок этувчи хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, мазкур чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

17. Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республика-

си Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
ПҚ-4058-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

954 Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология миллий тизимини янада ривожлантириш, тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ-3939-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) 2019 йил 1 январдан қўйидагиларни назарда тутувчи тартибни ўрнатиш таклифлари маъқуллансин:

Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ILAC) ва Халқаро аккредитация қилиш форуми (IAF) тўлақонли аъзолари ҳисобланган давлатларнинг сертификатлаштириш органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификатлари ёки синов баённомалари тақдим этилганда, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан кўп миқдорда бўлмаган тадбиркорлик субъектлари (эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бундан мустасно) ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ихтисослашган ва қишлоқ хўжалиги техникаси, технологик ускуналар ва уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, шунингдек, мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулот ишлаб

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

чиқаришда фойдаланиладиган ноозиқ-овқат хом ашё, материаллар ва буюмлар мажбурий сертификатлаштиришдан озод қилинади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ўлчаш воситаларига мувофиқлик сертификатини тақдим этмаган ҳолда, уни божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида ўрнатилган тартибда олиш шarti билан божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга йўл қўйилади;

Миллий ўлчаш эталонлари ва миллий метрология институтлари томонидан берилладиган калибрлаш ва ўлчаш сертификатларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишувни (СІРМ МРА) имзолаган мамлакатларнинг Миллий метрология органлари томонидан расмийлаштирилган амалдаги калибрлаш (ёки текшириш) сертификатлари тақдим этилганда, ўз эҳтиёжлари учун технологик жараёнларда фойдаланиладиган импорт бўйича олиб кириладиган ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш (турини тасдиқлаш) содалаштирилган тартибда, бир кун муддатда тан олиш тартиботлари йўли билан амалга оширилади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган содалаштирилган тартибда олиб кириладиган товарларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг мақсадли ишлатилишига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари масъул ҳисобланади;

мазкур қарорнинг 1-бандида кўзда тутилган содалаштирилган тартиб, давлат божхона хизмати органларига (шу жумладан, учинчи шахслар томонидан) товарлар уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кираётган тадбиркорлик субъекти томонидан уларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун мақсадли ишлатилиши тўғрисидаги мажбуриятлари, шунингдек, ўрнатилган тартибда божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида ўлчаш воситаларини сертификатлаштириш амалга оширилиши кўзда тутилган кафолат хати тақдим этилиши шarti билан қўлланади;

давлат божхона хизмати органлари, божхона ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг уч кун муддатда мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ содалаштирилган тартибда олиб кирилган товарлар импорти тўғрисида идоралараро ахборот алмашинуви воситаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Агентликка маълумот тақдим этади;

мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган содалаштирилган тартибда олиб кириладиган товарлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

3. Сифат менежменти тизимларини жорий этган ва миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган синов лабораториялардан фойдаланиладиган тадбиркорлик субъектларига, улар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мувофиқлигини декларациялаш йўли билан тасдиқлаш ҳукуқи берилсин.

4. Қўйидагилар:

2019-2020 йилларда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

29 та умумий ва 13 та махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини кўзда тутадиган 2019 — 2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури 2-иловага* мувофиқ;

уйғунлашув даражасини 47 фоизга етказишни назарда тутувчи 2019 — 2021 йилларда стандартлаштириш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

синов ва ўлчаш базасини такомиллаштириш бўйича лойиҳалар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қўйидагиларга шахсий жавобгарлик юклансин:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харитасида» кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажоновга — Техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурининг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали амалга оширилиши учун;

Агентлик бош директори Д.Н. Саттаровга — стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларнинг уйғунлашув даражасини белгиланган мақсадли кўрсаткичларга, шу жумладан 2023 йилгача 80 фоизга етказиш, Агентлик тизими ташкилотларининг самарали ишлаши, республиканинг барча ҳудудларида синов лабораторияларининг кенг тармоғини, шу жумладан хусусий синов лабораториялари мавжуд бўлмаган жойларда давлат-хусусий шериклик асосида яратиш ва модернизация қилишни таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси М.Б. Азимовга — чегара божхона постларида назорат тартиботларини бажаришда санитария-эпидемиология, фитосанитария ва ветеринария назорати органлари фаолиятининг самарали ва оператив мувофиқлаштирилишини таъминлаш учун.

6. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари — мазкур қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган техник регламентларни ишлаб чиқувчилар бир ҳафта муддатда эксперт кенгашларини шакллантирсин ва техник регламентлар ишлаб чиқиш бўйича тармоқ жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан:

5-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган истеъмол товарларини мажбурий сертификатлаш фақат Агентлик тизимидаги сертификатлаштириш органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази томонидан янгидан аккредитация қилинган бошқа сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади;

* 1 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мувофиқлик сертификатларини расмийлаштиришда такрорланувчи синовлар ўтказилиши тақиқланади ва сертификатларни беришда, идоравий бўйсунувидан қатъи назар белгиланган тартибда аккредитация қилинган лабораториялар томонидан ўтказилган синовларнинг ижобий натижалари асос қилиб олинади.

Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази икки ой муддатда сертификатлаштириш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизмини ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ҳамда мунтазам янгиланган санитария-эпидемиология ва фитосанитария вазияти номақбул бўлган давлатларнинг рўйхатига кирувчи мамлакатлардан санитария-эпидемиология ва фитосанитария назоратидан ўтказилиши лозим бўлган маҳсулотларнинг олиб кирилиши тақиқлансин.

9. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда санитария-эпидемиология, ветеринария ва фитосанитария назорати чегара хизматларининг фаолиятини танқидий ўрганиш натижалари бўйича улар томонидан назорат функцияларининг бажарилишини такомиллаштириш, самарадорлиги ва тезкорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ техник регламентларга риоя этиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Техник регламентлар амалга киритилиши билан, мазкур техник регламентлар билан хавфсизлигига мажбурий талаблар қўйилган маҳсулотларни сертификатлаштириш мажбурий тусга эга бўлиши белгилансин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаларини тугатган ҳолда, «Ўзстандарт» агентлиги қошида Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин ва унга қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун бузилишларини олдини олиш ва профилактика қилишни амалга ошириш;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология масалаларида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

техник регламентлар, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши, ўлчов бирликлари ягоналиги ва ишончлилигини таъминлаш, мажбурий сертификатлаштириш қоидалари талаблари бажарилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш.

Белгилансинки, Департамент юридик шахс ҳисобланади, унинг фаолият-

ти устидан умумий раҳбарлик ва назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

12. Агентликнинг Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти ва «Ахборот-маълумот маркази» давлат корхонаси негизида «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти стандартлаштириш бўйича тармоқ техник қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштириш, стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни, шу жумладан шартнома асосида хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотларнинг аризалари бўйича ишлаб чиқиш ва реализация қилиш, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича базавий ташкилот этиб белгилансин.

Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтининг ишчиларига Ўзбекистон Республикаси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари бўйича ишчилар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилсин.

Агентлик бир ой муддатда Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қуйидагилар:

«Ўзстандарт» агентлигининг ташкилий тузилмаси 6-иловага* мувофиқ;

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 7-иловага* мувофиқ;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг тузилмаси 8-иловага* мувофиқ;

Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги инспекторлари чекланган сони 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони 153 нафар, шу жумладан марказий аппарати — 69 нафар этиб белгилансин.

14. Агентлик Бош директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган штат сони доирасида Агентлик аппарати ва унинг қўйи ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

* 6 — 9-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, қўйи ташкилотлар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш;

вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар техник кўмиталарининг мутахассисларини, илғор лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасаларининг мутахассисларини жалб этиш, шунингдек, юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ҳамда уларга эркин айирбошладиган валютада иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш;

ўз хизмат мажбуриятларини виждонан ва самарали бажараётган, Агентлик ва Департаментнинг юқори малакали, ташаббускор ишчиларига Агентлик қошидаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг икки баравари миқдоригача қўшимча ҳақ тўлаш.

Агентликка сифатсиз ҳамда одамлар ҳаёти, саломатлиги, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторингини юриштиш вазифаси юклансин.

15. Қўйидагилар Агентлик фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилансин:

Агентлик бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини қониқарли баҳоловчи аризачилар, шунингдек, уларнинг хатти-харакатлари ва қарорлари устидан шикоятлар сони;

интерактив шаклда хизматлар кўрсатиш учун келиб тушаётган мурожаатлар сони;

қабул қилинган ва қайта кўриб чиқилган техник регламентлар ва стандартлар сони, шу жумладан халқаро талабларни инобатга олган ҳолда;

сифатсиз ва хавфли бўлган маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфи мониторинги бўйича ишлар натижадорлиги;

техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонун бузилишларининг олдини олиш ва профилактика қилиш бўйича ишлар натижадорлиги.

16. Агентлик бир ой муддатда қўйидагилар бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин:

идоранинг янги логотипи ва фарқлаш белгилари яратилишини кўзда тутган ҳолда имиджни яхшилаш;

кўрсатиладиган хизматлар даражасини ошириш мақсадида қўйи ташкилотлар фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш;

самарадорликни баҳолаш натижалари, шу жумладан коррупцион омилларнинг олдини олиш бўйича кўриляётган чоралар тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ахборотларни тизимли ёритиб бориш.

17. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси ва

бошқа идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий жўнатмалар реестрига киритилсин.

18. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида қонун бузилиши учун жавобгарликнинг кучайтирилишини кўзда тутадиган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Агентлик ва бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда сифат миллий инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2935-сон қарорига 10-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

21. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б.М. Мавлонов ва Э.М. Фаниевлар зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
ПҚ–4059-сон

* 10-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги
ПҚ-4059-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Мажбурий сертификатлаштирилиши 2019 йил 1 январдан
бошлаб фақат «Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги сертификат-
лаштириш органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги
қошидаги Аккредитация маркази томонидан янгидан
аккредитация қилинган бошқа сертификатлаштириш
органлари томонидан амалга ошириладиган, четдан
олиб кириладиган истеъмол товарлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
1.	Гўшт ва озуқавий иккиламчи, шу жумладан қадоқланган гўшт маҳсулотлари	0201 — 0210
2.	Балиқ ва қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа сув умуртқасизлари	0301 — 0308 (0301 11 000 0, 0301 19 000 0 дан ташқари)
3.	Сут маҳсулотлари (тайёрланадиган сутдан ташқари); парранда тухумлари (инкубациялаш учун мўлжалланган тухумлардан ташқари); табиий асал; ҳайвонлардан (фақат озуқа сифатида истеъмол қилиш учун) олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари	0401 — 0406, 0407 00, 0408 (0408 11 200 0, 0408 19 200 0, 0408 91 200 0, 0408 99 200 0 дан ташқари), 0409 00 000 0
4.	Сабзавотлар (уруғлик материалидан ташқари) ва баъзи ейиладиган илдизмевалар ва тугунак мевалар.	0701 — 0712, 0714 (0709 60 910 0, 0709 60 950 0 дан ташқари)
5.	Ейиладиган мевалар ва ёнғоқлар; цитруслар ёки қовунларнинг пўстлоғи ва илдизлари	0801 — 0814 00 000 0
6.	Қаҳва, чой ва зирворлар	0901 — 0910
7.	Шарбатлар ва ўсимлик экстрактлари; пектин моддалар, пектинатлар ва пектатлар; агар-агар ва ўсимликлардан олинадиган тури ўзгартирилган ёки тури ўзгартирилмаган қуюлтиргичлар	1302
8.	Ҳайвон ёки ўсимликдан олинадиган ёғлар ва мойлар, уларни парчалаш маҳсулотлари, тайёрланган озуқавий ёғлар; ҳайвон ёки ўсимликдан олинадиган мумлар	1501 — 1517 (1501 10 100 0, 1501 20 100 0, 1502 10 100 0, 1502 90 100 0, 1503 00 110 0, 1503 00 300 0, 1507 10 100 0, 1507 90 100 0, 1508 10 100 0, 1508 90 100 0, 1511 10 100 0, 1511 90 910 0, 1512 11 100 0, 1512 19 100 0, 1512 21 100 0, 1512 29 100 0, 1513 11 100 0, 1513 19 300 0, 1513 21 100 0, 1513 29 300 0 1514 11 100 0, 1514 19 100 0, 1514 91 100 0, 1514 99 100 0, 1515 21 100 0, 1515 29 100 0, 1515 50 110 0, 1515 50 910 0, 1515 90 210 0, 1515 90 310 0, 1515 90 400 0, 1515 90 600 0 дан ташқари), 1521 90 910 0, 1521 90 990 0

Т/р	Номи	ТИФ ТН коди
9.	Гўшт, балиқ ёки қисқичбақасимон ёхуд бошқа сув умурт-қасизларидан тайёр маҳсулотлар	1601 00 — 1605
10.	Шакар ва шакардан тайёрланган қандолат маҳсулотлари	1701 — 1704
11.	Бошоқли дон уруғи, ун, крахмал ёки сутдан тайёр маҳсулотлар, ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари	1901 — 1905
12.	Сабзавотлар, мевалар, ёнғоқлар ва ўсимликларнинг бошқа қисмларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотлари	2001 — 2009
13.	Алкоголли ва алкогольсиз ичимликлар ва сирка	2201 — 2209 00
14.	Савдо тармоғи орқали аҳолига сотиш учун умумий овқатланиш корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат, ошпазлик маҳсулотлари ва яримфабрикатлар	0201 дан 2106 гача товар позицияларида номлаб чиқилган маҳсулотлардан тайёрланган
15.	Чармдан тайёрланган маҳсулотлар	4203 21 000 0
16.	Ёғочдан ишланган ошхона анжомлари (озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда ишлатиладиган)	4419
17.	Дафтарлар, кундаликлар, расм чизиш учун альбомлар (дафтарлар)	4820 10 500 0, 4820 20 000 0
18.	Машина ёки қўлда тўқилган трикотаж кийим-кечаклар (болалар ассортименти)	6105, 6111, 6112, 6115
19.	Машина ёки қўлда тўқилган (трикотаждан ташқари) кийим-кечаклар (болалар ассортименти)	6207 — 6211
20.	Пойабзал ва шунга ўхшаш маҳсулотлар (болалар ассортименти ва бокс пойабзали) (фақат тайёр пойабзал)	6401 — 6405
21.	Электр маиший техника, электр сув иситгичлар, лампалар ва электрон трубкалар, чўгланма лампалар (12 W дан ортиқ)	8508 11 000 0 — 8508 60 000 0, 8509 (8509 90 000 0 дан ташқари), 8516 10 — 8516 80 800 0, 8528 (8528 41 000 0, 8528 51 000 0 дан ташқари), 8539 10 000 — 8539 49 000 0 (8539 10 000 1, 8539 21 300 1, 8539 29 300 1 дан ташқари), 8543 70 900 0
22.	Болалар ўйинчоқлари, ўйинлари	9503 00

* Изоҳ: зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**955 Жисмоний ва юридик шахслар мулкининг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида давлат, ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа объектларни, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкни ишончли қўриқлашни таъминловчи сифат жиҳатидан янги тизимни жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бирок, қўриқлаш фаолиятини ташкил этишда ҳозирга қадар бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, булар ички ишлар органларининг мулкни қўриқлаш бўйича хизматлари қамровининг торлиги, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги, мавжуд қўриқлаш тизими ва технологияларининг етарлича самарали эмаслиги, ушбу соҳада сифатли сервис хизматини кўрсатишнинг ягона техник талаблари ва механизмларининг йўқлигида намоён бўлмоқда.

Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахслар мулкининг қўриқланишини таъминлаш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, мулкка бўлган тажовузни профилактика қилиш ва олдини олишда аҳолининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимига қўйидагиларни назарда тутувчи «Хавфсиз хонадон» концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция)ни жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

2022 йил 31 декабрга қадар республиканинг барча ҳудудларида Тошкент шаҳрида амалга оширилган техник қўриқлаш ва ҳаракатланиш пунктларига хабарни узатиш ва марказлашган кузатувнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда — автоматлаштирилган тизим)ни босқичма-босқич жорий этиш;

қўриқлаш хизматининг ички ишлар органлари жамоат тартибини сақлаш кучларининг патруль гуруҳлари билан узвий ҳамкорлигини ташкил этиш ва бунда қўриқланадиган объектлардан келиб тушган хабар жойига энг яқин патруль гуруҳининг тез етиб боришини таъминлаш механизмларини белгилаш;

ички ишлар органларининг мулкни қўриқлаш бўйича хизмат турларини кенгайтириш, шу жумладан транспорт воситалари ва бошқа ҳаракатланувчи объектларни қўриқловга олиш имкониятини берувчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

янги турар жойлар қурилишида ички ишлар органлари билан келишилган ҳолда уларни мажбурий тарзда қўриқлаш-ёнғин ташвишгоҳлари ва газоанализаторлар билан жиҳозлаш;

республика маҳаллаларини уларнинг хавфсизлик даражасининг чораклик рейтингини жорий этган ҳолда баҳолаш ҳамда ҳар йили «Энг хавфсиз маҳалла» республика танловини ўтказиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда — Қўриқлаш бош бошқармаси) таркибида қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) асосий фаолият йўналиши этиб қўриқланадиган объектларда ўрнатилган қўриқлов техник воситалар ва тизимларини монтаж, демонтаж қилиш, таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш бўйича ишларни бажаришни белгилаган ҳолда «Qo'riqlash Servis» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда — «Qo'riqlash Servis» ДУК);

б) асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаган ҳолда Қўриқлаш бош бошқармасининг умумий штатлари сони доирасида 5 штат бирлигида матбуот бўлимини:

аҳолининг ички ишлар органлари қўриқлаш хизматларидан фойдаланишга бўлган қизиқишини оширишга қаратилган ахборот-тушунтириш мазмунидаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолига ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати фаолияти натижалари тўғрисида маълумотларни, шу жумладан унинг расмий веб-сайтнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш орқали ўз вақтида етказиш бўйича комплекс чораларни кўриш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

«Qo'riqlash Servis» ДУК ўз фаолиятини ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати бўлинмалари билан қўриқланадиган объектларда ўрнатилган қўриқлов техник воситалари ва тизимларига хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар асосида амалга оширади;

қўриқланадиган объектларда ўрнатилган қўриқлов техник воситалари ва тизимларига, шу жумладан автоматлаштирилган тизимнинг техник инфраструктура объектларига хизмат кўрсатиш фақат «Qo'riqlash Servis» ДУК томонидан амалга оширилади.

4. 2019 йил 1 январдан бошлаб шундай амалиёт жорий этилсинки, унга кўра жисмоний шахсларнинг уй-жойлари ва хонадонларига уларга қўриқлаш хизматини кўрсатиш мобайнида фойдаланишга бериладиган қўриқлов техник воситалари жиҳозларини ўрнатиш ҳамда бепул техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажариш ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

«Ўзбектелеком» АЖ ҳудудий филиаллари автоматик телефон станциялари биноларида автоматлаштирилган тизимнинг жиҳозларини ўрнатиш учун зарур бўлган жойларни ўрнатилган тартибда ажратиш;

автоматлаштирилган тизимнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун алоқа тарифларига, шунингдек, «Ўзбектелеком» АЖ оптик толали алоқа кабелларини ётқизиш бўйича хизматларига имтиёз тақдим этилишини таъминласин.

6. Белгилансинки:

жамоат хавфсизлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани қўриқлашни тўлақонли таъминлаш учун ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати томонидан ҳудудларда патрулликни ташкил этиш билан боғлиқликда видеокузатув ва техник воситаларнинг бутун комплексидадан фойдаланилади;

Қўриқлаш бош бошқармасига, истисно тариқасида, автоматлаштирилган тизимни жорий этиш мақсадида маҳаллий ва хорижий корхоналар билан товарларни харид қилиш ва етказиб бериш, шунингдек, хизмат кўрсатиш бўйича конкурс (тендер) савдоларини ўтказмасдан шартномалар тузишга рухсат этилади;

Қўриқлаш бош бошқармаси 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ автоматлаштирилган тизимни жорий этиш учун олиб кириладиган жиҳоз, техника, алоқа тизими ва воситалари, дастурий маҳсулотлар учун божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида» 2018 йил 29 июндаги ПФ–5468-сон Фармонида мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб давлат мақсадли жамғармаларига ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилиниши муносабати билан ички ишлар органлари қўриқлаш хизматининг бўшайдиган молиявий маблағлари жисмоний шахсларнинг хонадонлари ва уй-жойларига босқичма-босқич қўриқлов жиҳозларини бепул ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатишга йўналтирилади.

7. Қурилиш вазирлиги уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига янги турар жойлар қуришда уларни қўриқлаш-ёнгин ташвишгоҳлари ва газоанализаторлар билан жиҳозлаш мажбурийлигини кўзда тутувчи таклифларни киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда автоматлаштирилган тизимни республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш ҳамда босқичма-босқич ривожлантириш бўйича Техник топшириқ ва дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китобларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарор талабларига мувофиқ, намунали фуқаролар йиғинларини рағбатлантириш механизмини назарда тутган ҳолда, республика маҳаллаларини баҳолаш тартибини тасдиқласин;

бир ой муддатда «Qo'riqlash Servis» ДУК низомини тасдиқлашни, давлат рўйхатидан ўтказишни ва устав фондини шакллантиришни таъминласин;

Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани қўриқлашни таъминлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин;

ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати мутахассисларини чақиришнинг ягона қисқа рақамини, шунингдек, техник қўриқлаш ва ҳаракатланиш пунктларига уланиш учун онлайн ариза расмийлаштириш тартибини киритиш чораларини кўрсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
ПҚ-4060-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**956 Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Кейинги йилларда мамлакатимизда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш, маънан етук ва жисмонан соғлом шахсни камол топтириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилди, спорт, шу жумладан, унинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, Қуролли Кучларни жиҳозлаш учун келтирилаётган замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар даражаси фан-техника тараққиёти ютуқларига тезкор ва муносиб равишда эътибор қаратиш зарурлигини ҳамда чақирувгача бўлган ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, унда мамлакат суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш бўйича бурч туйғусини шакллантириш борасидаги тадбирлар лозим даражада олиб борилмаяпти.

Спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор камчиликлар мавжуд, хусусан:

спортнинг мазкур турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг пухта тизими йўлга қўйилмаган;

спорт кадрларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими жорий этилмаган;

терма жамоаларни тайёрлаш ва мусобақалар ўтказиш учун спорт инфратузилмаси ва моддий-техник базаси етарли даражада ривожланмаган;

аҳоли, айниқса ёш авлод ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмаяпти.

Чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича ва фуқароларни оммавий техник касбларга сифатли тайёрлашни ташкил этиш, спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича фаолиятни такомиллаштириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши томонидан 1-иловага* мувофиқ таълим муассасалари ва автодромларни уларнинг асосий воситалари, ўқув ва моддий-техник базаси билан биргаликда мулк қилиб давлатга бегараз бериш тўғрисида қарор қабул қилинган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги таълим муассасалари ва автодромларни уларнинг асосий воситалари, ўқув ва моддий-техника базаси билан бирга оператив бошқариш ҳуқуқи асосида қабул қилиб олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари (кейинги ўринларда — мудофаа ишлари бошқармалари) ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш марказларини (кейинги ўринларда — Марказлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Марказга Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Марказ директори мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш (пул таъминоти) шароитларига кўра мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ фуқаро ходимларининг иш ҳақи мудофаа ишлари бошқармаларининг фуқаро ходимлари учун белгиланган тартиб ва меъёрларда тўланади;

Марказларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

мудофаа ишлари бошқармалари Марказларда тайёргарликдан, қайта тайёргарликдан ўтган ва малакасини оширган автотототранспорт воситалари ҳайдовчиларининг, шунингдек, оммавий техник касбларнинг бошқа мутахассисларининг ҳисобини юритади;

Марказлар фаолияти ташкил этилгунга қадар чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш амалдаги тартибга мувофиқ амалга оширилади.

4. Қўйидагиларга:

а) Марказларга:

автотототранспорт воситаларининг ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касбларнинг бошқа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизматлар кўрсатиш;

автотототранспорт воситалари ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касбларнинг бошқа мутахассисларини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинмаларининг ўқув ва моддий-техник базасидан беғараз фойдаланиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига Марказларнинг пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган бўш маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш, кейинчалик улар бўйича тўланган фоизлардан: ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш фаолиятини амалга ошириш учун;

Марказларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг моддий-техник базасини қуриш, таъмирлаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун фойдаланишга рухсат берилсин.

5. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти (кейинги ўринларда — «Ватанпарвар» МКТ) фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ёшлар ва фуқароларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнатга масъулиятли муносабат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини сингдириш;

спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантирилиши ва оммалаштирилишини таъминлаш, спорт ташкилотлари ва жамоалари фаолиятига кўмаклашиш;

болалар, ўсмирлар ва чақирувгача бўлган ёшлар ўртасида оммавий спорт ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

ёшлар ва фуқароларни мудофаа соҳасидаги бошланғич билимларга ўқитишда ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлашда давлат ҳокимияти органларига кўмаклашиш;

автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини, шунингдек, оммавий техник касблар мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

шундай йўналишлар бўйича фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ПҚ–3898-сон қарори билан тузилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини амалга ошириш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий комиссиялари зиммасига:

«Ватанпарвар» МКТга юкланган вазифаларни амалга оширишда унга яқиндан кўмаклашиш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ташкил этиш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мажбурияти юклансин.

7. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги «Ватанпарвар» МКТ билан биргаликда:

ёшлар орасида уларда ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнатга масъулиятли муносабат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини тарбиялаш, мамлакат суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш бўйича юксак бурч туйғусини шакллантириш борасидаги ишларни кучайтирсин;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

турли спорт ва бошқа тадбирларни, фестиваллар ва танловларни ташкил этиш ва ўтказишни кенгайтсин;

замон талабларини ҳисобга олган ҳолда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда ёшлар ва фуқароларда юсак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш бўйича маънавий-маърифий ишларни амалга оширсин.

9. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

спортнинг техник ва амалий турлари мураббийлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини жорий этиш;

миллий ва халқаро мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини рағбатлантириш, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турлари мураббийлари ва мутахассисларини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

спортнинг техник ва амалий турларининг замонавий моддий-техник ва ўқув-машқ базасини яратиш, шунингдек, спорт анжомлари ва ускуналарини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш, ёшларни секциялар ва тўғарақларга фаол жалб этиш, уларнинг оммабоплигини таъминлаш;

спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга инновацион технологияларни, шунингдек, спортчиларни тайёрлашнинг ўқув-машқ жараёнига илғор услубларни жорий этиш.

10. Белгилансинки, «Ватанпарвар» МКТ ҳузуридаги Республика техник ва амалий спорт турлари маркази спортнинг техник ва амалий турлари бўйича юқори малакали спортчиларни тайёрлайдиган муассаса ҳисобланиб, қуйидаги вазифаларни бажаради:

спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш учун зарур спорт кўникмаларига эга иқтидорли ва истиқболли болаларни синчковлик билан танлаб олиш, уларда танланган спорт тури бўйича қобилятни, спорт салоҳиятини, касбий кўникма ва маҳоратни ривожлантириш;

республиканинг терма жамоалари учун спорт захираси ва юқори тоифали спортчиларни тайёрлаш бўйича энг янги илмий-методик тавсиялар ҳамда ютуқлар асосида ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш;

спорт захираси ва юқори тоифали спортчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш учун замонавий инфратузилмани ташкил этиш ҳамда малакали мураббийлар таркибини шакллантириш;

спортчилар ва мураббийларнинг касбий маҳоратини ошириш соҳасида мунтазам асосда тажриба алмашишни ташкил этиш орқали хорижий спорт муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари икки ой муддатда «Ватанпарвар» МКТнинг техник ва амалий спорт турлари худудий марказлари фаолиятини ташкил этиш учун бўш ётган биноларнинг текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига умумий қабул квоталари доирасида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мутахассислар тайёрлаш учун квоталар кўзда тутилади;

автомобиль ва мотоцикл спорти, спортнинг авиамодель ва ракетамодел турлари ҳамда олимпия ўйинлари дастурига киритилган спортнинг техник ва амалий турлари бўйича республика мусобақаларида биринчи, халқаро мусобақаларда (Олимпия ўйинлари, Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати ва Осиё чемпионатида) биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг битирувчиларига тегишли олий таълим муассасаларига таълимнинг ушбу соҳадаги йўналишларга умумий қабул квоталари доирасида тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилинади.

13. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида шартнома асосида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт ташкилотларининг секция ва тўғарақлари мутахассислари ва ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Ватанпарвар» МКТ ва Ўзбекистон Парашют спорти федерациясининг парашют спорти бўйича спорт секцияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Парашют спорти федерацияси ва «Ватанпарвар» МКТ билан биргаликда:

мамлакатда парашют спортини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, фуқароларнинг мазкур спорт турига қизиқишини шакллантириш чораларини кўрсин;

парашют спорти бўйича спорт секцияларининг авиация ва ҳаво-десант комплекслари, парашют тизимлари, анжомлар ва тренажерлар билан, шунингдек, ўқув-методик ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланишини таъминласин;

«Ватанпарвар» МКТ марказлари ва таълим муассасалари негизида фуқаро ёшларни «парашютчи» мутахассислиги бўйича тайёрлашни ташкил этсин.

16. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги «Ватанпарвар» МКТ билан биргаликда бир ой муддатда спортнинг техник ва ама-

лий турларини оммалаштиришнинг медиа-режасини тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

машхур спортчилар, мураббийлар ва мутахассислар иштирокида телекўрсатувлар тайёрлаш ва намойиш этиш, шунингдек, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантирувчи спорт федерациялари (уюшмалари) ва ташкилотларининг фаолиятини ёритиш;

социологик сўровлар ва тадқиқотлар, реклама кампаниялари ва ижтимоий роликлар намойишини ўтказиш;

телерадиоканалларда, жумладан, мавзу бўйича студиядаги ва сайёр туркум телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ток-шоу кўрсатувлари орқали спортнинг техник ва амалий турлари билан шуғулланиш масалалари бўйича кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш;

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет тармоғида ахборот материалларини жойлаштириш;

спортнинг техник ва амалий турлари билан фаол шуғулланишга аҳолини жалб этиш учун парклар, оммавий дам олиш жойлари, сўқмоқлар, трасса ва йўлаклар имкониятларидан фойдаланиш.

17. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухамидовга — юкланган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши бўйича вазирлик ва идораларни мувофиқлаштириш, шунингдек, ушбу қарорнинг бажарилишини мунтазам кўриб чиқиш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси муҳофаа вазири А.А. Азизовга — чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликларга тайёрлаш марказлари фаолиятини лозим даражада ташкил этиш ва мамлакатда парашют спортини ривожлантириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Д.Х. Набиевга — спортнинг техник ва амалий турлари ривожлантирилишини лозим даражада мувофиқлаштириш, спортчиларнинг халқаро спорт мусобақаларида ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларида иштирок этишини таъминлаш, шунингдек, спорт ускуналари ва анжомларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашиш юзасидан;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларига — ушбу «Йўл харитаси» ва Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — спортнинг техник ва амалий турлари бўйича иншоотларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва лозим даражада жиҳозлаш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун, шу жумладан:

Марказларнинг ўқув муассасалари, автодромлари, ўқув ва моддий-техник базасини таъминлаш ва ривожлантиришга;

«Ватанпарвар» МКТ ҳузуридаги Республика техник ва амалий спорт турлари марказининг алоҳида штат бирликларини таъминлаш бўйича харажатларни, шунингдек, бу билан боғлиқ бошқа харажатларни молиялаштиришга зарур маблағларни назарда тутсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
ПҚ-4061-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

957 «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 апрелдаги ПҚ–2922-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, муҳандислик коммуникацияларини ўз вақтида сифатли куриш ва таъмирлаш, уларнинг атрофидаги худудларни ободонлаштириш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларида юқори натижаларни қўлга киритган, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ;

«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасининг тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг буюртмасига асосан «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши инobatга олинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 декабрда эълон қилинган.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири М.Х. Салиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 декабрь,
1004-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 11 декабрдаги 1004-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси»
кўкрак нишони тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони (кейинги ўринларда кўкрак нишони деб аталади) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан мамлакатимиз аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, муҳандислик коммуникацияларини ўз вақтида сифатли қуриш ва таъмирлаш, уларнинг атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларида юқори натижаларни қўлга киритган, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фуқаролар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни
тақдим этиш ва кўриб чиқиш**

4. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти корхоналари ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги бошқа ташкилотлар ходимларини кўкрак нишони билан тақдирлаш

бўйича таклифлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасига ҳар йили 25 январгача тақдим этилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси номзодлар бўйича таклифларни белгиланган тартибда кўриб чиқади ҳамда ҳар йили 25 февралгача Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига (кейинги ўринларда вазирлик деб аталади) тақдим этади.

6. Вазирликка тўғридан-тўғри бўйсунувчи ташкилотлар ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш йўналишида фаолият юритаётган ўз ходимларини кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни ҳар йили 25 февралгача вазирликка тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири томонидан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ташкил этилади.

Комиссия йиғилишида номзодлар бўйича ҳужжатлар ўрганилиб, ҳар йили 1 апрелгача энг муносиб номзодлар бўйича якуний ҳулоса қабул қилинади.

3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш

8. Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 15 апрелгача қабул қилинади.

9. Кўкрак нишони ҳар йили 18 апрель — Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари куни арафасида Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали вазиятда топширилади.

10. Кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти олади.

Бир йўла тўланадиган пул мукофотлари вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан топширилади.

11. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

12. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

4-боб. Якунловчи қоида

13. Вазирлик ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари ҳолис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси»
кўкрак нишони тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
I bosqich	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти корхоналари ҳамда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги бошқа ташкилотлар	Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасига ҳужжатларни тақдим этиш	ҳар йили 25 январгача
II bosqich	1. Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармалари ва Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси 2. Вазирликка тўғридан-тўғри бўйсунувчи ташкилотлар ҳамда бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар	1. Номзодлар бўйича таклифларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига тақдим этиш 2. Ходимларни кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига тақдим этиш	ҳар йили 25 февралгача
III bosqich	Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия	Номзодлар бўйича ҳужжатларни ўрганиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири — комиссия раисига кўкрак нишони билан тақдирлаш юзасидан таклиф киритиш	ҳар йили 1 апрелгача
IV bosqich	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	Ходимларни кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг буйруғини қабул қилиш	ҳар йили 15 апрелгача
V bosqich	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирлаш	ҳар йили 18 апрель куни арафасида

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 11 декабрдаги 1004-сон қарорига
2-ИЛОВА

**«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси»
кўкрак нишонининг
ТАВСИФИ**

«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони пастки қисмида кўёш нурлари фонидикикита уй биноси кўк рангда ва муқобил электр энергиясини англатувчи томи ва мўриси қизил рангда тасвирланган. Унинг орқасида кўп хонадонли уй бинолари ифодаланган бўлиб, биноларнинг ромлари зарҳалланган.

Пастдан тепага қалинлашиб борувчи радиусга эга бўлган ярим айлана Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларида ишланган.

Кўкрак нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал ҳошия билан ўралган оқ эмалли доирада баландлиги 6 миллиметр бўлган «UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISH» сўзлари ҳамда пастдан иккита саккиз қиррали юлдуз ўртасида «A'LOCHISI» сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг орқа томони марказида беш қаторда ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлган «Uy-joy kommunal», «xizmat ko'rsatish», «sohasi rivojiga», «qo'shgan hissasi», «uchun» ёзуви жойлашган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Тасвирлар ва ёзувлар қаварикдир.

Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари қаварик доира билан ўралган.

Кўкрак нишони ҳалқа ва илмоқчалар ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни — 26 миллиметр, бўйи — 17 миллиметрдан иборат. Қадағич эни 22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг марказидан эни 6 миллиметрли кўк йўл ўтган. Унинг ҳар икки тарафидан эни 1 миллиметрли кўк, эни 2 миллиметрли яшил ва эни 5 миллиметр бўлган оқ рангдаги йўллар туширилган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

**«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси»
КЎКРАК НИШОНИ**

Олд томони



Орқа томони



Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 11 декабрдаги 1004-сон қарорига
З-ИЛОВА

**«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси»
кўкрак нишони гувоҳномасининг
ТАВСИФИ**

«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони гувоҳномаси 160 x 110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв. м қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) мовий рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган кўк рангли хошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT», иккинчи сатрда «KO'RSATISH A'LOCHISI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шриф-

ти, 12-кегль), учинчи сатрда «ko'krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVONNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган.

Ёзувлар зарҳал рангида акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVONNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизиқ жойлашган.

«GUVONNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизиқ тортилган.



Пастки чизиқдан 6 миллиметр қуйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «O'zbekiston Respublikasi», иккинчи сатрда «цу-joy kommunal xizmat ko'rsatish», учинчи сатрда «vazirining» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20__ у. «__» _____dagi», иккинчи сатрда «__-son buyrug'iga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT», иккинчи сатрда «KO'RSATISH A'LOCHISI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль), учинчи сатрда «ko'krak nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда «Vazir» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ёзилган.

**«Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочиси» кўкрак нишони
ГУВОҲНОМАСИ**



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

958 Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 октябрь,
228-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
28 октябрдаги 228-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил
этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 декабрда эълон қилинган.

қарорига мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида амалга ошириладиган давлат ёнғин назорати (бундан буён матнда ДЁН деб юритилади) органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ёнғин — одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек, атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш;

ёнғин назорати — ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш ва текширув натижалари бўйича чора-тадбирлар кўриш мақсадида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолият;

ёнғин юзасидан терговга қадар текширув (бундан буён матнда ёнғин юзасидан текширув деб юритилади) — инспекторларнинг ёнғин бўйича аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек, иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига оладиган фаолият;

ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини текшириш (бундан буён матнда текшириш деб юритилади) — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларини бажаришлари устидан ДЁН органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган назорат қилиш шакли ва аниқланган қоида бузишларни бартараф этиш ва (ёки) уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилиши;

объект — юридик ёки жисмоний шахснинг мулкӣ комплекси (ёки унинг бир қисми), шу жумладан, улар учун ёнғин хавфсизлиги талаблари белгиланган бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, технологик қурилмалар, асбоб-ускуна, агрегатлар, буюмлар ва бошқа мол-мулк;

2. ДЁНни амалга оширишда, юқори турувчи инспекторларнинг кўрсатмалари ва фармойишлари қуйи инспекторлар томонидан бажарилиши шарт. Уларнинг фаолиятига бошқа мансабдор шахсларнинг аралашшига йўл қўйилмайди.

3. ДЁН органларининг тизими қуйидагилардан иборат:

марказий ДЁН органи — ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси (бундан буён матнда ЁХББ деб юритилади);

худудий ДЁН органи — Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқар-

малари ва ЁХББга бевосита бўйсунувчи ёнғин хавфсизлиги бошқармалари (бундан буён матнда ёнғин хавфсизлиги бошқармалари деб юритилади);

маҳаллий ДЁН органи — туманлар (шаҳарлар) ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари);

объектдаги ДЁН органи — ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари, алоҳида постлари, гуруҳлари).

2-боб. ДЁН органлари фаолиятини ташкил этиш

4. ДЁН органлари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ишни режалаштириш ва фаолиятни таҳлил қилиш;

объектларни бириктириш ва ҳисобини юритиш;

текширув ҳамда ёнғин-профилактика кўрикларини режалаштириш ва ўтказиш;

меъёрий-техник ишлар;

маъмурий-ҳуқуқ фаолияти;

ёнғин юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш;

ёнғинларнинг давлат статистик ҳисоботи;

ёнғинга қарши тарғибот;

ёнғинга қарши техник ҳимоя воситаларини (бундан буён матнда ЁҚТХВ деб юритилади) монтаж қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ишлар (хизматлар)ни бажарилиш сифатини назорат қилиш;

ДЁН органлари ваколатига кирадиган масалалар бўйича маслаҳатлар бериш, мурожаатларни кўриб чиқиш.

5. ДЁН органларининг раҳбарлари қўл остидаги инспекторларнинг профилактик фаолияти устидан кундалик раҳбарликни амалга оширади.

6. Ҳар бир ДЁН органида, унинг штат бирлигидан, хизмат кўрсатиш ҳудуди ва унда жойлашган объектларнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳамда инспекторларнинг профессионал тажрибасидан келиб чиққан ҳолда инспекторларнинг аниқ функционал вазифалари ҳар йили ДЁН органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

7. Ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ЁХББнинг тегишли бўлимлари ва бевосита бўйсунувчи бўлинмалари томонидан соҳалар, шунингдек, алоҳида ихтисослаштирилган йўналишлар бўйича амалга оширилади.

3-боб. ДЁН органлари ишини режалаштириш ва фаолиятини таҳлил қилиш

8. Ёнғин хавфсизлиги фаолияти натижаларини таҳлил қилиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

ёнфинлар статистикаси;
текширувлар ва ёнфин-профилактика кўриклари ўтказилишининг натижалари;

меъёрий-техник ишлар;
маъмурий-ҳуқуқ фаолияти;
ёнфинга қарши тарғибот.

9. Ҳисобот шакллари ва уларни юқори турувчи ДЁН органига тақдим этиш даврийлиги ЁХББ томонидан белгиланади.

10. Назорат фаолиятининг натижалари келгусида уларни давлат ёнфин назоратини ташкил этиш ва амалга оширишни такомиллаштиришда ҳамда ёнфин хавфсизлигининг давлат томонидан тартибга солинишида фойдаланиш учун ДЁН органларида жамланиши, ҳисобга олиниши ва таҳлил қилиниши лозим.

11. Ҳар бир инспектор ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига* мувофиқ ойлик иш режа-жадвалини тузиши лозим. Ойлик иш режа-жадвал инспекторнинг бевосита бошлиғи томонидан кейинги ойнинг биринчи санасига қадар тасдиқланади. Текшириш ва кўриклар ўтказиш учун бир ойда камида 15 иш куни режалаштирилиши лозим.

12. Иш режалар бажарилишининг назорати шахсан ДЁН органлари раҳбарларига юклатилади. Тадбирларнинг бажарилиши ва режадан ташқари ишларнинг амалга оширилиши ҳақида иш режаларига тегишли белгилар кўйилади.

Айрим тадбирлар бажарилмай қолган ҳолатларда, бажарилмаганлиги сабаблари ҳақида билдирги ёзилади. Бажарилмай қолган тадбирлар заруратга қараб янги иш режасига киритилиши мумкин.

4-боб. Объектларни ҳисобга олиш ва бириктириш

13. Объектлар ҳар йили тегишли ДЁН органи раҳбарининг фармойиши (буйруғи) билан инспекторларга ҳудудий жиҳатдан бириктирилади. Фармойиш (буйруқ) йилнинг 30 декабрь кунига қадар кейинги йил учун чиқарилиши лозим.

Объектларни бириктириш тўғрисидаги ҳар йилги фармойиш (буйруқ)-га, ДЁН органининг хизмат кўрсатиш ҳудуди чегаралари (сектор) ўзгариши, кадрларнинг алмаштирилиши, объектларнинг тугатилиши муносабати билан ва бошқа сабабларга кўра ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Объектларни бириктириш тўғрисида ҳар йили тайёрланадиган фармойиш (буйруқ) амал қилиш муддати тугагандан сўнг уч йил сақланади.

14. Кучайтирилган ҳолда кўриқланиши лозим бўлган ўта муҳим ва тоифаланган объектлар, объектнинг портлаб-ёниш ва ёнфин хавфи бўйича тоифасига кўра, маҳаллий ва ҳудудий ДЁН органлари раҳбарларига ёки тайёргарлиги юқори бўлган бошқа мансабдор шахсларга бириктирилади.

15. Ҳудудий ДЁН органларида вазифалар ДЁН органларининг алоҳида ихтисослашган йўналишлари бўйича амалга оширилади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Худудий ДЁН органларидан бириктирилган мансабдор шахслар қуйи бўлинмаларга ўз фаолият йўналишлари бўйича амалий ёрдам кўрсатадилар.

16. Объектларнинг ҳисобга олиниши маҳаллий ДЁН органлари томонидан ушбу Йўриқноманинг 2-иловасига* мувофиқ расмийлаштириладиган объектларни ва назорат-кузатув ишларини ҳисобга олиш журналини юритиш орқали амалга оширилади. Ушбу журналда, уй-жой сектори объектларидан ташқари, ДЁН органининг хизмат кўрсатиш ҳудудида жойлашган ва уни аниқлаш учун аниқ манзили бўлган ҳар бир объект ҳисобга олинади. Ушбу журналга биринчи навбатда идоравий тегишлилиги бўйича давлат тасарруфидаги объектлар, сўнгра тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектлар ёнғин хавфлилигига кўра 1, 2 ва 3-гуруҳлар бўйича кетма-кетликда киритилади.

Битта объект ҳудудида (биносида) бир нечта мулкдор (юридик шахс) ёки ижарачилар жойлашган тақдирда, уларнинг алоҳида рўйхати ҳар бир ДЁН органида шакллантирилиб, объектларни ва назорат-кузатув ишларини ҳисобга олиш журналининг 8-устунида сони кўрсатилади.

Объектларни ва назорат-кузатув ишларини ҳисобга олиш журналини тузишда қўшни шаҳар-туман ДЁН органлари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ идоравий ёнғин назоратини амалга оширадиган бошқа органлар билан ҳар йили объектлар рўйхатини таққослаш лозим.

Мазкур журнални юритиш учун маҳаллий ДЁН органининг ҳар бир инспектори ўзига бириктирилган хизмат кўрсатиш ҳудудида (секторда) жойлашган объектлар рўйхатини шакллантириши лозим.

Ҳар бир маҳаллий ДЁН органида, объектларни ва назорат-кузатув ишларини ҳисобга олиш журналдан ташқари, ушбу туман (шаҳар)да рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларининг рўйхатлари шакллантирилган бўлиши керак.

17. Объектларни ва назорат-кузатув ишларини ҳисобга олиш журналга ДЁН органларининг ёзма сўровлари юзасидан тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан ҳамда тегишли ташкилотлардан, шу жумладан, кадастр органларидан олинган маълумотлар асосида ҳар йили ўзгартиришлар киритилади.

18. Ҳар бир объектга ушбу Йўриқноманинг 3-иловасига* мувофиқ назорат-кузатув иши (бундан буён матнда НКИ деб юритилади) юритилиши лозим. НКИда текширувлар ва ёнғин-профилактика кўриклари натижалари бўйича охириги беш йил мобайнида тузилган ҳужжатлар (ёзма кўрсатмалар, текширув далолатномалари, тавсиялар маълумотномалари, тавсияномалар, баёнлар, қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқалар нусхалари), объектнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича бошқа ҳужжатлар нусхалари ёки асли сақланади.

Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларнинг НКИда, охириги текширув ўтказилган санадан қатъи назар, охириги иккита текширув натижаси бўйича тузилган ҳужжатлар, шунингдек, охириги беш йил

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мобайнида ўтказилган ёнғин-профилактика кўриклари натижаси бўйича тузилган ҳужжатлар сақланади.

Объектнинг қурилиши (реконструкция қилиниши, кенгайтирилиши ва техник жиҳатдан қайта жиҳозланиши) даврига ва унинг фойдаланишга қабул қилинишига тааллуқли ҳужжатлар НКИда объектни фаолият кўрсатиш мобайнида доимо сақланади.

Битта объект ҳудудида жойлашган бир қанча бинолар (иншоотлар) ёки битта бинода жойлашган бир қанча ташкилотлар учун битта НКИ юритилишига рухсат этилади.

19. Янги объект ҳақида маълумот келиб тушганда, ДЁН органи ўн кунлик муддатда НКИ тузиш ва текширувларни ёки кўрикларни режалаштириш учун бирламчи маълумот олиш мақсадида ваколатли органларга сўровлар юборади. Биринчи текширув ва/ёки ёнғин-профилактика кўриги ўтказилгунга қадар янги объектнинг НКИда ваколатли органлардан ёки бошқа манбалардан келган ушбу объектга тааллуқли ҳужжатлар жамланади.

5-боб. Текширишни режалаштириш ва ўтказиш

20. Объектлар иш режалари асосида йилига камида икки маротаба, яъни режали ва назорат тартибида текширилади.

Ҳудудий ва маҳаллий ДЁН органлари томонидан объектларни текшириш даврийлигига:

ёнғинлар вазияти таҳлили натижалари;

объектларнинг аҳамияти ва уларнинг ёнғин хавфлилиги;

шаҳарлар ва аҳоли пунктлари ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва кўрсатмалари;

ёнғин хавфи юқори бўлган мавсум бошланиши;

таълим муассасаларида ўқув жараёни бошланиши;

ёзги соғломлаштириш муассасаларининг фаолияти бошланиши;

давлат ва диний байрамлар ҳамда бошқа турли тадбирларни ўтказиш муддатларини инобатга олган ҳолда ўзгартириш киритилиши мумкин.

Тунги вақтда одамлар оммавий бўладиган ҳар бир объектларда (ўқув, даволаш, соғломлаштириш муассасалари, ижтимоий таъминот объектлари ва бошқалар) ҳар чоракда камида бир маротаба объектнинг навбатчи ходимлари ёнғин содир бўлганда ҳаракат қилишга тайёргарликлари, эвакуация йўлларининг ҳолати ҳамда ёнғин сигнализацияси ва ёнғин ҳақида одамларга хабар берадиган мосламаларнинг созлигини аниқлаш бўйича тунги вақтда кўриқдан ўтказилиши лозим.

21. Кучайтирилган ҳолда кўриқланиши лозим бўлган ўта муҳим ва тоифаланган объектларни текшириш ва/ёки ёнғин-профилактика кўригидан ўтказишни режалаштириш ҳамда уларни ўтказиш қонун ҳужжатлари, идоралараро комиссиялар қарорлари ва ушбу Йўриқнома асосида амалга оширилади.

22. Аҳоли яшаш уйларида текшириш ўтказишни режалаштириш ва тек-

шириш ўтказиш ёнғинлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлилидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ахоли яшаш уйларини текшириш хусусий мулк эгаларининг (улар йўқлигида вояга етган оила аъзоларининг) ёки ижарачининг розилиги асосида инспекторлар томонидан ўтказилади.

23. Текширув ва/ёки ёнғин-профилактика кўриклари ташкилотлар раҳбарлари ёки уларнинг вакиллари иштирокида инспекторлар томонидан фақат хизмат вазифаларини бажариш вақтида ўтказилади.

24. Текширувлар ДЁН органи раҳбарининг буйруғи асосида ўтказилади. Мазкур буйруқ (ДЁН органининг муҳри босилган ҳолда) ёки унинг нусхаси, текширувни амалга ошираётган инспектор томонидан хизмат гувоҳномаси билан бирга объект раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсга кўрсатилади.

Текширув фақат текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган инспекторлар томонидан амалга оширилади.

25. Назорат тартибидagi текширувлар ДЁН органининг ёзма кўрсатмасида ёки далолатномасида бажариш учун таклиф этилган тадбирлар бўйича белгиланган муддатда ўтказилади.

26. Текширув даврида ёзма кўрсатмада бажариш учун таклиф этилган тадбирлар белгиланган муддатларда бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда, инспектор камчиликларга йўл қўйган шахсларни ўз ваколатлари доирасида ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўради.

27. Тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларда текшириш ҳамда ёнғин-профилактика кўрикларини ўтказишни режалаштириш ва уларни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2532, 2013 йил 3 декабрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Текширувлар ва/ёки ёнғин-профилактика кўрикларини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни амалга ошириш

28. Ҳар бир инспектор текширув ва ёнғин-профилактика кўригини ўтказишдан олдин:

объектнинг ёнғин хавфлилигини тавсифловчи техник ҳужжатларни ва ёрдамчи адабиётларни ўрганиб чиқиши;

аввалги текширувлар ва/ёки ёнғин-профилактика кўрикларида расмийлаштирилган ҳужжатлар (ёзма кўрсатма, далолатнома, тавсиялар маълумотномаси, тавсиянома) ва ёнғинлар ҳақидаги маълумотлар билан танишиб чиқиши;

мазкур объектга тааллуқли бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, идоравий норма ва буйруқларини ўрганиб чиқиши;

давлат ҳокимияти органларининг объектларида, аҳоли пунктларида ҳамда бошқа ҳудудларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фармойиш ва қарорларини ўрганиб чиқиши лозим.

ДЁН органининг раҳбари қўл остидаги инспекторларнинг текшириш ва/ёки ёнғин-профилактика кўрикларини ўтказиш учун касбий тайёргарлик даражасини доимо шахсан текшириши шарт.

29. Текширув ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўтказилиши лозим.

Ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширувлар мобайнида объектнинг ҳудуди, барча бинолари, иншоотлари ва қурилмалари (шу жумладан, қурилиш ва реконструкция босқичидагилар) кўздан кечирилади, шунингдек:

ёнғиндан сақлаш хизмати мансабдор шахсларининг аввалги ёзма кўрсатмалари ва бошқа қонуний талабларининг бажарилиши;

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-техник тадбирларнинг бажарилиши;

ёнғиннинг олдини олиш тизимлари мавжудлиги ва созлиги;

ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари мавжудлиги ва созлиги ўрганилади.

30. Текширувлар даврида суҳбатлар ўтказиш ва ёнғинга қарши йўл-йўриқлар бериш, шунингдек, имконият бўлса, объектларнинг ва аҳоли пунктларининг ёнғинга қарши ҳимоясини кучайтириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриб чиқиш бўйича учрашувлар, йиғилишлар ўтказиш, қўнғилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини тузишда методик кўмаклашиш ишлари амалга оширилиши лозим.

31. Текширувлар ўтказишда қуйидагилар тақиқланади:

ДЁН органи ваколатларига тааллуқли бўлмаган талабларнинг бажарилишини текшириш;

объект раҳбари ёки унинг вакили йўқлигида текширувни амалга ошириш;

текширувга тааллуқли бўлмаган ҳужжатлар, маълумотлар, маҳсулот намуналари тақдим этилишини талаб қилиш, шунингдек, бундай ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиб қўйиш;

тегишли ҳужжатлар билан белгиланган шаклдаги намуналарни, нусхаларни танлаб олиш далолатномасини расмийлаштирмасдан маҳсулотнинг намуналарини танлаб олиш;

текширув ўтказиш натижасида олинган ва давлат, тижорат, хизмат, қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирни ташкил этадиган маълумотни тарқатиш;

белгиланган текширув ўтказиш муддатларини ошириб юбориш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

7-боб. Текширувлар натижаларини расмийлаштириш

32. Текширувлар натижаси бўйича ушбу Йўриқноманинг 4-иловасига*

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мувофиқ расмийлаштириладиган ДЁН органларининг ёзма кўрсатмаси объект раҳбари ёки унинг вакилига топширилади.

Назорат тартибидаги текширувлар натижаси бўйича инспектор тадбирлар бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги ҳақида ёзма кўрсатмага тегишли белгилар қўяди ва назорат тартибидаги текширув далолатномасини тузади. Далолатномада назорат тартибидаги текширувда аниқланган камчиликлар (ёзма кўрсатмадаги бажарилмаган тадбирлар) акс эттирилади.

33. Ёзма кўрсатма икки нусхада тузилади. Ёзма кўрсатманинг бир нусхаси текширув тугагандан сўнг беш кундан кечиктирмасдан объект раҳбарига (ёки унинг вакилига) имзо орқали топширилади. Объект раҳбарларига ёзма кўрсатма текшириш тугаган куни текширув далолатномаси билан бирга топширилади. Объект раҳбари ёзма кўрсатманинг нусхасини олганлиги ҳақида имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, бу ҳақида ёзма кўрсатмага тегишли белги қўйилиб, ёзма кўрсатма унга почта хизмати орқали юборилади ва топширилганлиги ҳақида билдириш хати НКИда қоладиган ёзма кўрсатманинг иккинчи нусхасига қўшиб қўйилади.

Ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши аниқланган ҳолатларни бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмада таклиф этилган тадбирларнинг бажарилиш муддатлари одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳамда мулкига муайян хавфлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда инспектор томонидан белгиланади.

Текширув якуни бўйича инспектор аниқланган камчиликларни ҳамда белгиланган ёнғинга қарши тадбирларни ва уларни бажариш муддатларини объект раҳбари иштирокида муҳокама этиши лозим.

Ёзма кўрсатмада таклиф этилган тадбирларни бажариш муддатлари ёзма кўрсатмани ижрочига топшириш кунидан кейинги кунлардан бошлаб белгилаши лозим.

Олдинги ёзма кўрсатмадаги белгиланган муддатларда бажарилмаган тадбирлар янги ёзма кўрсатмага қўшилади. Ушбу тадбирларни бажариш бўйича янги муддатлар белгиланмайди, фақат ушбу тадбирлар қайси йилдан буён бажариш учун таклиф этилаётганлиги кўрсатилади.

34. Уй-жой сектори ҳудудида мавжуд бўлган ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишини бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатма фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ва (ёки) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларига ёхуд кўп хонадонли уйларни бошқариш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан шуғулланадиган ташкилотларга топширилади.

35. Лойиҳалаштириш ва қуриш даврида амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ лойиҳалаштирилган ва қурилган бино ва иншоотларга янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари татбиқ этилмайди.

Мавжуд (ёки фойдаланилаётган) бинолар (иншоотлар)нинг ёки улардаги алоҳида хоналарнинг функционал вазифаси, шунингдек, ҳажмий-режавий ва конструктив ечимлари ўзгартирилганда, ёзма кўрсатмага ушбу бино ва иншоотнинг янги вазифасига мувофиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида тадбирлар киритилади.

36. Текширувлар ўтказилганлиги ҳақида объектларни ва НКИни ҳисобга олиш журнаliga тегишли ёзувлар киритилади.

37. Текширув даврида аниқланган ишлаб чиқарилаётган (сотилаётган) товарлар ва (ёки) хизматлар кўрсатилиши ёнғин хавфсизлиги талабларига мос келмаслиги ҳолатлари бўйича инспектор ушбу Ўўриқноманинг 5-илова-сига* мувофиқ расмийлаштириладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ёзма кўрсатмани ташкилотлар раҳбарларига ва фуқароларга топширади.

Ушбу ёзма кўрсатмада қуйидаги таклифлардан бири кўрсатилади:

ишлаб чиқаришдан олиб ташланиши;

ишлаб чиқаришдан тўхтатилиши;

сотилиши тўхтатилиши.

38. Товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришдан олиб ташланиши, ишлаб чиқаришдан тўхтатилиши ва сотилиши тўхтатилиши бўйича ёзма кўрсатма инспектор томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинади.

39. Ёнғин хавфсизлиги талабларига мос келмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳақида зудлик билан стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органларига хабар қилинади.

40. Инспектор ҳар бир текширув ва/ёки ёнғин-профилактика кўриги якунлангандан сўнг, бу ҳақида уч иш куни мобайнида ДЁН органи раҳбарини ёки унинг ўринбосарини оғзаки хабардор қилиши ҳамда тузилган ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этиши шарт. ДЁН органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан ҳужжатлар текширилиб, ёзма кўрсатма (тавсиянома, тавсиялар маълумотномаси)нинг НКИда сақланадиган нусхасига танишганлиги ҳақида тегишли белги қўяди.

41. Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлигининг профилактика бўйича ўринбосари НКИларнинг тўғри юритилишини танлаш усули билан йилига камида бир маротаба текшириб, бу ҳақида тегишли белги қўйиши шарт.

42. ДЁН органлари томонидан аҳоли яшаш уйлари текшириш ҳамда тунги вақтда одамлар оммавий бўладиган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш натижалари юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатларни марказий ДЁН органининг тегишли буйруғи ёки қўлланмаси билан тасдиқланган махсус китоблар (журналлар)га киритилади ва шу орқали уларнинг ҳисоби юритилади.

8-боб. Бино (иншоот)нинг ва ишлаб чиқариш участкаларининг ишини, алоҳида хоналардан, асбоб-ускуналардан ва бошқа агрегатлардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш

43. Текширув мобайнида объектда ёнғин келиб чиқишига, тарқалишига олиб келувчи ёки уни бартараф этишни қийинлаштирувчи ва (ёки) одамларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши аниқланган ҳолларда, инспектор томонидан ўз ваколатлари дои-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

расида ушбу Йўриқноманинг 6-иловасига* мувофиқ расмийлаштирилдиган бинолар, иншоотлар, алоҳида ишлаб чиқаришлар ва хоналардан фойдаланиш-ни, айрим ёнғин хавфига қарши ишларни олиб боришни қисман ёки бутунлай тўхтатиб қўйиш ҳақидаги қарорни чиқаради.

44. Қарорнинг бир нусхаси тузилган куни объект раҳбарига (ёки уларнинг вакилларига) имзо орқали топширилади.

Объект раҳбари қарорнинг нусхасини олганлиги ҳақида имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, қарор унга почта хизмати орқали юборилади ва топширилганлиги ҳақида билдириш хати НКИда қоладиган қарорнинг иккинчи нусхасига қўшиб қўйилади.

Қарорлар ушбу Йўриқноманинг 7-иловасига* мувофиқ юритиладиган қарорларни ҳисобга олиш журналида ҳисоб рўйхатидан ўтказилади.

Қарор пломбалаш ёки муҳрлаш йўли билан ижрога қаратилиб, бажарилганлиги ҳақида қарорнинг бланкасига белги қўйилади.

Қарор фақат уни чиқарган ДЁН органининг юқори турувчи органи ёхуд суд томонидан ўзгартирилиши мумкин.

45. Текширув мобайнида объектда ёнғин келтириб чиқариш хавфи остида бўлган асбоб-ускуналар ва бошқа агрегатлар аниқланган тақдирда, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ҳақидаги баённома ушбу Йўриқноманинг 8-иловасига* мувофиқ расмийлаштирилади.

Баённома бинонинг, иншоотнинг ёки ишлаб чиқаришни фаолиятини тўлиқ тўхтатиб қўйишга олиб келмайдиган ҳолларда тузилади.

Баённома тузилиши биланоқ ижрога қаратилади, унинг бир нусхаси тузилган куни объектнинг раҳбарига ва фуқарога (ёки уларнинг вакилларига) топширилади, сўнг ушбу Йўриқноманинг 9-иловасига* мувофиқ юритиладиган баённомаларни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтказилади.

46. Қарорлар ва баённомалар бўйича ишга (ишлатишга) ёки камчиликларни бартараф этиш учун рухсат бериш ҳақидаги қарор ДЁН органи бошлиғи томонидан объектлар раҳбарлари, фуқароларнинг (ёки уларнинг вакилларининг) ёзма мурожаатларига асосан қабул қилинади, бунда инспектор томонидан ДЁН органи бошлиғининг топшириғига асосан ушбу Йўриқноманинг 10-иловасига* мувофиқ қарор расмийлаштирилиб, бир нусхаси объектнинг раҳбарига, фуқарога (ёки уларнинг вакилларига) топширилади ҳамда қарорларни ёки баённомаларни ҳисобга олиш журналларига тегишли белги қўйилади.

9-боб. Меъёрий-техник ишлар

47. Меъёрий-техник ишлар — ЁХББнинг меъёрий-техник бўлими, ҳудудий ДЁН органларининг шу каби бўлим (бўлинма, гуруҳ)ларининг мутахассислари ҳамда маҳаллий ДЁН органларининг шу йўналишда фаолият юритадиган инспекторлари томонидан қўйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади:

* 6 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қурилиш учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) комиссиялари (бундан буён матнда ер танлаш комиссияси деб юритилади) ишида қатнашиш; аҳоли яшаш пунктлари ва объектлар қурилиши жараёнида ёнғин ўчириш депо биноларининг қурилиши бўйича асосланган таклифлар киритиш; лойиҳа ҳужжатларини лойиҳалаштириш нормаларидаги ёнғинга қарши талабларга мослигини, қурилишлар ва қурилиш-монтаж ишлари жараёнида лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилган ёнғинга қарши талаблар бажарилишини ва ёнғинга қарши қоидалар талабларига амал қилинишини ўрганиш ва тавсиялар беришни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган ёнғин хавфсизлиги талабларидан асосли равишда четга чиқилган ёки бундай талаблар мавжуд бўлмаган ҳолларда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга (бундан буён матнда қурилиш объектлари деб юритилади) доир лойиҳа ҳужжатларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишига тааллуқли қисмини кўриб чиқиш ва келишиш;

қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссияларининг ишида қатнашиш ва ушбу объектларда қурилиш конструкциялари ва материалларининг ёнғинга бардошлилик даражасини мустақамлаш бўйича амалга оширилган ишлар сифатини ҳамда қурилиш объектларига ўрнатилган ЁҚТХВларининг техник ҳолатини текшириш, синаш ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш;

янги ва қайта ишлаб чиқиладиган қурилиш меъёрлари ва қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

бино ва иншоотларни лойиҳалаш ҳамда қурилиш ишлари жараёнида ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариш мавзусида лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари томонидан ўтказиладиган семинарлар, илмий-техник конференциялар ва мажлисларда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг техник кенгашларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, жойлардаги Архитектура ва қурилиш бош бошқармалари (бошқармалари) қошидаги шахарсозлик кенгашларида иштирок этиш;

бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш жараёнида ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш масалалари бўйича хатлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, юридик ва жисмоний шахсларга ушбу йўналишда маслаҳатлар бериш.

48. ЁХББнинг вазифаларига юқорида санаб ўтилган барча йўналишлар бўйича фаолият юритиш киради.

Худудий ва маҳаллий ДЁН органларининг вазифаларига ёнғин хавфсизлиги талабларидан чекланишларни кўриб чиқиш, келишиш, қурилиш меъёрлари ва қоидаларини қайта ҳамда янгидан ишлаб чиқишда иштирок этишдан ташқари, юқорида санаб ўтилган барча вазифалар киради.

49. Ер танлаш комиссияси таркибида инспекторларнинг иштирок этиши, шу каби комиссиялар тузиш ваколатига эга бўлган ташкилотларнинг ёзма ёки электрон мурожаатларига асосан амалга оширилади.

Қурилиш объектлари учун ажратилиши тавсия этилаётган ҳар бир ер майдони ДЁН органи вакили томонидан жойига чиқиб ўрганилиши шарт.

50. Қурилиш учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) жараёнида ДЁН органи вакили асосий эътиборни қўйидагиларга қаратиши лозим:

худудни батафсил режалаштириш чизмаси ва туманнинг режалаштириш лойиҳаси, аҳоли яшаш пунктларининг бош режаси, объектларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига асосан зоналарга бўлинганлигига;

асосий шамол йўналиши, жой рельефи ва аҳоли пунктлари ҳамда қўшни бино ва иншоотларга нисбатан ёнғинга қарши оралиқ масофаларнинг ҳисобга олинганлигига;

объектларнинг асосий ва ёрдамчи йўллар билан таъминланганлигига; ёнғин жойига ёнғин ўчириш бўлинмалари ўз вақтида етиб боришини ҳисобга олган ҳолда ёнғин ўчириш деполари жойлаштирилганлигига;

51. Ер танлаш комиссияси ишида иштирок этган инспектор томонидан хулоса расмийлаштирилади ва танланилаётган ер майдонини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслигига қараб хулосалар ижобий ёки салбий мазмунда тузилади ҳамда тегишли ишчи органга белгиланган тартибда юборилади.

52. Ер танлаш комиссияси ишининг натижаси бўйича тегишли маълумотлар «Қурилиш объектлари учун ажратилиши тавсия этилган ер майдонларини рўйхатга олиш журнали»га қайд қилинади.

53. Қурилишлар учун майдонлар (трассалар) танлаш (ажратиш) жараёнида қабул қилинган қарорлар ўзгарганида ДЁН органлари уларни қўшимча равишда кўриб чиқади.

54. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган ёнғин хавфсизлиги талабларидан асосли равишда четга чиқилган ёки бундай талаблар мавжуд бўлмаган ҳолларда қурилиш объектлари лойиҳа ҳужжатларининг ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишига тааллуқли қисмини кўриб чиқиш ва келишиш ЁХББ меъёрий-техник бўлими ёки ЁХББнинг техник кенгаши томонидан амалга оширилади.

55. Қурилиш объектлари учун ишлаб чиқиладиган лойиҳа ҳужжатларини қурилиш норма ва қоидаларида белгиланган ёнғинга қарши талабларга мувофиқлигини ўрганиш ва тавсиялар бериш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳамда буюртмачи ва қурувчи ташкилотларининг мурожаатларига асосан амалга оширилади.

Бунда, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва лойиҳа муаллифи томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилган лойиҳалар ўрганилиши лозим.

56. Қурилиш объектлари лойиҳасининг фақатгина ёнғин хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли бўлимлари ва умумий тушунтириш хати кўриб чиқилиши лозим.

Бош режани кўриб чиқиш жараёнида асосий эътибор шамол йўналишига, бино ва иншоотлар оралиғидаги ёнғинга қарши оралиқ масофалар ўлчамларига, очиқ иссиқлик манбаи қурилмалари жойлашган жойларга, объект худудига кириш жойларининг сони ва ёнғин ўчириш автомобиллари

учун асосий ва ёрдамчи йўлларнинг мавжудлигига, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар сигимларининг жойлашувига, ёнғинга қарши сув сигимлари ва ҳовузларига бориш йўлларига, ёнғин ўчириш деполарининг жойлашувига қаратилади.

Лойиҳанинг технологик қисмини кўриб чиқиш жараёнида асосий эътибор модда ва материалларнинг ёнғин хавфлилиги кўрсаткичларига, технологик жараённинг параметрларига, ўт олдириш манбаининг мавжудлигига, ёнғинга қарши бўлма (отсек)ларга бўлинишига, хона, бино ва ташқи қурилмаларнинг портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўйича тоифасининг тўғри белгиланганлигига, электр ускуналарининг тузилиши қоидалари бўйича зоналарга бўлинганлигига қаратилади.

Лойиҳанинг архитектура-қурилиш қисмини кўриб чиқиш жараёнида асосий эътибор бино ва иншоотнинг ёнғинга бардошлилик даражасини тўғри белгиланганлигига, объектнинг геометрик параметрларига, қаватлар сони ва ёнғинга қарши деворлар оралиғидаги майдонга, хоналарнинг жойлашишига, конструктив ечимларга, ёнғинга қарши тўсиқларнинг мавжудлигига, эвакуация чиқиш йўлларининг сони ва уларнинг узунлигига, тутун қопламаслиги таъминланганлигига, том қоплама ва полнинг материалларига, бинонинг чордоқ қисмига ва томига чиқиш учун талаб этилган миқдорда ташқи ёнғинга қарши нарвонларни мавжудлигига қаратилади.

Лойиҳанинг муҳандислик тармоқлари бўлимини кўриб чиқиш жараёнида асосий эътибор ёнғинга қарши ташқи ва ички сув таъминотига, тутунга қарши вентиляция, иситиш, ёритиш, яшин қайтариш, электр таъминоти ва электр қурилмаларига ва ёнғин ўчирувчилар учун мўлжалланган лифтларга қаратилади.

ЁҚТХВ бўлимини кўриб чиқиш жараёнида асосий эътибор автоматик ёнғин ўчириш ва ёнғиндан хабарлаш ҳамда қутқарувни бошқариш тизимларига қаратилади.

Зарурат туғилган ҳолларда, лойиҳалаштирилаётган ёки қурилаётган объектларнинг хона, бино ва ташқи қурилмаларини портлаб ёниш ва ёнғин хавфи бўйича тоифасини, қурилиш материаллари ва конструкцияларини ёнғиндан ҳимоялаш, эвакуация чиқиш йўлларининг сони ва эвакуация чиқиш йўлигача бўлган масофани, тутунга қарши ҳимоя қурилмасининг қуввати, енгил ташлаб юборувчи конструкциялар майдонини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларига тааллуқли илмий тадқиқот ишлари ва оловли синовлар натижалари ҳамда бошқа ҳисоблар ҳам сўраб олиниши мумкин.

57. Лойиҳа ҳужжатларининг қурилиш нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлигини ўрганиш ва тавсиялар бериш қўйидаги жараёнларда ҳам амалга оширилади:

маслаҳатлар беришда;

техник кенгашлар ишида қатнашишда.

58. Лойиҳа ҳужжатларининг қурилиш нормалари ва қоидалари талабларига мослиги ёки мос эмаслиги бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг муурожаатларига оғизаки ва ёзма тарзда жавоб берилади.

Шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳалаштириш нормаларига мувофиқ бўлган тақдирда ҳар бир кўриб чиқилган ҳужжат (лойиҳанинг техник ҳужжатлари, эскиз ва планшетлар) уни кўриб чиққан ходим томонидан имзоланади ва имзоси тегишли органнинг муҳри билан тасдиқланади.

59. Янги қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган объектларнинг рўйхатини шакллантириш мақсадида қурилиш объекти бўйича ДЁН органига илк мурожаат келиб тушган кундан бошлаб улар «Қурилиш объектларини рўйхатга олиш журнали»га қайд қилиниши лозим.

60. Ўрганиш натижаларига кўра қурилиш объектига НКИ юритилади.

Қурилиш объектининг НКИда қуйидагиларнинг нусхаси сақланиши лозим:

ер участкасини ажратиш бўйича ДЁН органи хулосаси;

лойиҳа ҳужжатларининг қурилиш нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқлигини ўрганиш натижалари бўйича берилган ДЁН органи хулосалари ва ёзма тавсиялари;

текшириш ва кўрик жараёнида тузилган ҳужжатлар, қурилиш объектининг ёнғин хавфини тавсифловчи бошқа материаллар ва ёзишмалар;

қурилиш объектига ўрнатилган ЁҚТХВларнинг техник ҳолатини текшириш, синаш ва фойдаланишга қабул қилиш натижалари бўйича тузилган ҳужжатлар;

объектни фойдаланишга қабул қилиш ишчи ва давлат комиссияси далолатномалари.

61. Қурилиш объектларида ёнғинга қарши чора-тадбирларнинг тўғри бажарилишини назорат қилиш, текширувлар ва ёнғин-профилактика кўриклари жараёнида амалга оширилади, унда қуйидагилар ўрганилади:

шаҳарсозлик ҳужжатлари бўйича давлат ва нодавлат экспертиза ташкилотларининг хулосаси (локал хулосаси)нинг мавжудлиги;

лойиҳа ҳужжатларининг лойиҳалаш нормалари талабларига мослиги, лойиҳа ечимларининг бажарилиши ва аввал аниқланган камчиликнинг бар-тараф этилиши;

қурилиш-монтаж ишлари жараёнида ёнғин хавфсизлиги талабларининг бажарилиши;

объект ҳудудидаги ҳамда бино ва иншоотларидаги ёнғинга қарши ташқи ва ички сув таъминотининг, ЁҚТХВларнинг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги;

мавжуд ёнғин ўчириш тузилмаларининг тайёргарлиги.

62. Текширув натижалари бўйича лойиҳалаш нормалари талаблари, объектни барпо этиш жараёнида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари жараёнида ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилишига йўл қўйиш ҳолатлари юзасидан буюртмачи ва қурилиш ташкилоти раҳбарларига мазкур Йўриқноманинг 29-бандида белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этилади. Лойиҳа ҳужжатларидан четга чиқиш ҳолатлари тўғрисида лойиҳалаш ташкилоти ва ҳудудий ДАҚН инспекцияси ёзма равишда хабардор қилинади.

63. Текшириладиган ва ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиладиган

қурилиш объектида намунавий лойиҳадаги лойиҳалаш нормалари талабларидан четга чиқиш ҳолатлари аниқланган ҳолларда ДЁН органлари ушбу четга чиқиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича лойиҳачига ахборот хати юборади ва хат нусхасини қурилиш ташкилотига, буюртмачига ва юқори турувчи ДЁН органига юборади.

64. Қурилиш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссияси таркибига инспекторларни тайинлаш учун шу каби комиссияларни тузиш ваколатига эга ташкилотларнинг ёзма ёки электрон мурожаатлари асос бўлади. Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни давомида ДЁН органи раҳбари томонидан комиссия таркибига инспектор тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинади ва бу ҳақда мурожаат қилган ташкилот ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилинади.

Қурилиш ишлари тугалланган объектнинг мураккаблиги, аҳамияти ва ёнғин хавфидан келиб чиқиб, ишчи ва давлат комиссияси таркибига марказий, ҳудудий ёки маҳаллий ДЁН органининг вакиллари киритилади. Бунда, фойдаланишга қабул қилишга қурилиш ишлари жараёнида назорат ишларини олиб борган ҳудудий ёки маҳаллий ДЁН органларининг раҳбарлари ёки меъёрий-техник бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) мутахассислари жалб этилади.

Комиссиялар таркибида қатнашиш учун тайинланган инспекторни алмаштириш алоҳида ҳолларда (касаллиги ёки бошқа узрли сабабларда) комиссияни ташкил этган ташкилотни хабардор қилган ҳолда ва фақатгина комиссия таркибига тегишли ўзгартириш киритилгандан сўнг амалга оширилади.

65. Ишчи ва давлат қабул қилиш комиссияси таркибига киритилган инспектор комиссия иши бошлангунига қадар лойиҳалаш норма талаблари ва НКИдаги материалларни ўрганиб чиқиши шарт, шунингдек, қурилиш ишлари тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида текширилиши лозим бўлган саволлар рўйхатини тузади.

66. Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиясида инспекторнинг иштироки ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

67. Инспектор қурилиш ишлари тугалланган объектнинг ишчи комиссияси таркибида қатнашиб, қуйидагиларни текширади:

бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг тасдиқланган лойиҳа ва ёнғинга қарши талабларга мувофиқлигини;

ЁҚТХВларнинг ШНҚ ва норматив-техник ҳужжатлар талабларига мос равишда монтаж қилинганлиги ва уларнинг ишлаш қобилияти;

Шунингдек, қуйидагиларнинг мавжудлигини текширади:

объект лойиҳасининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли бўлимига давлат экспертизаси (локал) хулосаси;

ЁҚТХВларни монтаж қилган ташкилотлардан қонун ҳужжатлари билан талаб этиладиган лицензиялар;

конструкция, материаллар, қурилма ва буюмларнинг сертификати, техник паспорти ёки ёнғин хавфлилиги кўрсаткичларини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;

ёпиқ ишларнинг ҳамда қурилиш конструкциялари ва материалларини ёнғиндан ҳимоя воситаларининг синов натижаларини тасдиқловчи далолатномалар;

ички ва ташқи сув тизими, вентиляция тармоқларининг индивидуал синовдан ўтказилгани ҳақида далолатномалар;

норматив-техник ҳужжатларга мувофиқ ЁҚТХВлари қурилмаларининг синовдан ўтказилгани ҳақида далолатномалар;

яшиндан ҳимоялашни ҳамда ёнғин ва портлаш хавфсизлигини таъминловчи қурилмаларининг синовдан ўтказилгани ҳақида далолатномалар;

68. Қурилиш ишлари тугалланган объектларни давлат қабул қилиш комиссияси таркибида иштирок этаётган инспектор қўйидагиларни текширади: ишчи комиссияда аниқланган камчиликларнинг бартараф этилганлигини; тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини;

ЁҚТХВларни синаш ва фойдаланишга қабул қилиш далолатномаларини; қабул қилинаётган объектнинг ёнғинга қарши сув таъминоти тизимини ҳамда унинг ташқи ва ички ёнғин ўчириш учун зарур бўладиган сув миқдоридан кам бўлмаган ҳажмдаги сув билан таъминланганлигини.

69. Зарурат туғилган ҳолларда комиссия таркибидаги инспектор, ишчи комиссияда аниқланган кам-қўстларнинг бартараф этилганлигини танлов асосида текширувдан ўтказишни талаб қилиши, алоҳида конструкцияларни назорат тартибида очиш ва ёнғинга қарши қурилма ва жиҳозларни синовдан ўтказиш, қурилиш конструкцияси ва материалларининг ёнғинга қарши қатламни табиий шароитда оловли синовдан ўтказишни тайинлаш ҳуқуқига эга.

70. Қурилиш ишлари тугалланган объектда ёнғинга қарши камчиликлар мавжудлиги ёки лойиҳа ҳужжатларига киритилган ёнғинга қарши тадбирлар бажарилмаганлиги туфайли норозилик юзага келган ҳолларда инспектор фойдаланишга қабул қилиш далолатномасида имзо билан бир вақтда ўзининг алоҳида фикрини баён этиши мумкин.

71. Қабул комиссияси ишида қатнашиш натижаси тўғрисида инспектор ДЁН органи раҳбарига билдирги орқали ахборот беради.

ДЁН органи раҳбарияти фойдаланишга қабул қилинган объектларнинг ёнғинга қарши ҳолатини танлов асосида ўрганиш орқали инспекторнинг ишчи ва давлат қабул қилиш комиссиялари ишидаги вазифаларни бажаришга тайёргарлик даражасини мунтазам равишда текшириб бориши лозим.

Қурилиши тугалланган объект фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг объектнинг НКИга ва «Қурилиши тугалланган объектларни рўйхатга олиш журнали»га тегишли белгилар қўйилади ҳамда НКИ келгусида назорат қилиш учун фаолият кўрсатаётган объектлар устидан назоратни амалга оширувчи тегишли ДЁН бўлини масига (ёки инспекторига) юборилади (берилади).

72. Қурилиш ишлари тугалланганидан сўнг фойдаланишга қабул қилиш комиссияси далолатномаларида ДЁН инспекторининг имзосисиз фаолият кўрсатаётган объектлар аниқланганда, бу тўғрисида зудлик билан ҳудудий ва маҳаллий давлат бошқарув органлари, архитектура ва қурилиш органлари, ДАҚН инспекцияси ва бошқа дахлдор ташкилотлар расман хабардор қилинади.

73. ЁХББ ва унинг худудий ҳамда маҳаллий қўйи тизимларининг назорати остидаги қурилиш объектларининг рўйхати, комиссия таркибидаги ДЁН ходимларининг вазифалари ҳамда комиссия ишига жалб этиладиган ДЁХХ йўналишлари, объектларнинг стратегик ва давлат аҳамиятига моликлик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ЁХББнинг тегишли буйруғи билан белгиланади.

74. ДЁН органлари томонидан қўриб чиқилган ер майдонларининг, лойиҳа ҳужжатларининг, қурилиш объектлари ва қурилиши тугалланган объектларнинг рўйхати марказий ДЁН органининг тегишли буйруғи ёки қўлланмаси билан тасдиқланган махсус китоблар (журналлар)га киритилади ва шу орқали уларнинг ҳисоби юритилади.

10-боб. Маъмурий-ҳуқуқ фаолияти

1-§. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни расмийлаштиришнинг умумий қоидалари

75. ДЁН органлари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) бузилишига доир маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг юритилиши Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) ва мазкур Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

76. Қоидаларни бузган шахсларга нисбатан инспектор ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига* мувофиқ шаклда Ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги ҳақида баённома (бундан буён матнда маъмурий баённома деб юритилади) расмийлаштиради.

77. Агар маъмурий баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда тузиш имкони бўлмаса, инспектор яқин орадаги ички ишлар ёки фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларида маъмурий баённомани расмийлаштириши мумкин.

78. Маъмурий баённомани тузган инспектор, ушбу содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий чора қўриш ҳақида қарор чиқариш ваколатига эга бўлмаган тақдирда ҳуқуқбузарга ушбу маъмурий иш қаерда ва қачон қўрилиши тушунтирилиб, бу ҳақда маъмурий баённомага ёзиб қўйилади ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай ДЁН органининг юқори турувчи мансабдор шахсига маъмурий баённомани топширади.

79. Маъмурий баённомалар ва бошқа тегишли ҳужжатлар тузилгандан сўнг бир суткадан кечиктирмай мазкур йўриқноманинг 12-иловасига* мувофиқ шаклдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш журналида рўйхатга олинади.

80. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш журнали ҳар бир худудий ва маҳаллий ДЁН органида юритилади.

* 11 — 12-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**2-§. Ёнги хавфсизлиги қоидаларининг бузилишига доир
маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни
кўриб чиқиш**

81. ДЁН органларига МЖТКнинг 84, 124 ва 211-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тааллуқли бўлиб, уларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш МЖТКнинг 249-моддасига асосан ДЁН органларининг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

82. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс маъмурий ҳужжатларни олгандан сўнг ҳуқуқбузарга ишнинг қачон ва қаерда кўрилиши ҳақида мазкур Йўриқноманинг 13-иловасига* мувофиқ шаклдаги хабарномани юборади.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишда МЖТКнинг 295 — 300-моддаларида назарда тутилган шахслар қатнашиши мумкин.

83. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

84. Инспектор ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш жараёнида ҳуқуқбузарликда жиноят аломатлари борлигини аниқласа, ҳужжатларни тегишлилигига кўра тергов органларига ДЁН органи раҳбари орқали топширади.

85. Ваколати доирасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи органларга маъмурий баённомалар ва ишга оид бошқа ҳужжатлар бир суткадан кечиктирмасдан буюртма хат орқали йўлланади ёки етказиб бериш китоби бўйича топширилади.

86. Инспектор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида: маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор ёки айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Бунда МЖТКнинг тегишли моддаларида маъмурий жазони кучайтириш назарда тутилган ва такрорийлиги ҳисобга олинандиган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, маъмурий ишни кўриб чиқаётган инспектор ҳуқуқбузарнинг аввалги ҳуқуқбузарликларининг такрорийлигини ўрнатилган тартибда талабнома орқали аниқлаши шарт.

87. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки МЖТКнинг махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутил-

* 13-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келинган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги, мазкур Йўриқноманинг 14-иловасига* мувофиқ шаклда расмийлаштирилган тақдимнома билан судга юборилади.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномада шахснинг маъмурий жавобгарликдан озод қилинишига ёки унга нисбатан энгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш кераклигига боис бўлган сабаблар ва асослар баён этилади.

88. Инспектор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан мазкур Йўриқноманинг 15-иловасига* мувофиқ шаклда қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органининг (мансабдор шахснинг) номи, иш кўриб чиқилган сана, иши кўриб чиқиладиган шахс хусусидаги маълумотлар, ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни, МЖТКнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат, иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Маъмурий баённома ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорлар «Е — жарима» ягона марказлаштирилган ахборот тизими орқали электрон шаклда расмийлаштирилиши мумкин.

89. Ҳуқуқбузар ишга доир ҳужжатлар билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқишда адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

90. Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор ижросини тугатиш учун инспектор мазкур йўриқноманинг 16-иловасига* мувофиқ шаклда қарор чиқаради.

91. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади.

Агар ишни кўриб чиқишда ҳуқуқбузар қатнашмаган бўлса, қарорнинг нусхаси уч кун ичида ҳуқуқбузарнинг яшаш манзилига юборилиб, бу ҳақда қарорга ёзиб қўйилади.

92. Қарорнинг нусхаси уч кун ичида маъмурий жазо қўлланилган шахсга, шунингдек, ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки почта орқали жўнатилади. Қарорнинг нусхаси олинганлиги ҳақида ҳуқуқбузар ёки жабрланувчи имзо чекиши керак.

Айни вақтда қарорнинг нусхасини олган кундан бошлаб ўн кун ичида қарор устидан юқори турувчи органга (мансабдор шахсга) ёки маъмурий

* 14 — 16-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишлар бўйича туман (шаҳар) судьясига шикоят бериш мумкинлиги ва уни ижро қилиш тартиби тушунтирилади.

93. Инспекторлар ўзларига берилган ваколатлар доирасида ва фақат хизмат бурчларини бажариб турган пайтлардагина қонунларда назарда тутилган маъмурий жазоларни қўллашлари мумкин.

94. МЖТКнинг 313-моддасига мувофиқ ишни кўриб чиқаётган инспектор маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда, ташкилотлар раҳбарларига ана шу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш ҳақида тақдимнома киритиши мумкин.

95. Шикоятни ёки протестни кўриб чиқиш натижалари бўйича ДЁН органининг ваколатли мансабдор шахси мазкур Йўриқноманинг 17-иловасига* мувофиқ шаклдаги қарорни қабул қилади.

3-§. Ёнғин хавфсизлиги қондаларининг бузилишига доир маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш

96. Қонунга хилоф равишда чиқарилганлиги сабабли қарор бекор қилинган тақдирда, ушбу ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилади. Айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли интизомий чора кўрилиб, у ҳақидаги маълумот маъмурий иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

97. Маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарор чиқарилган пайдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Агар маъмурий жазо қўлланиши тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб уч ой мобайнида ижрога қаратилмаган бўлса (қарор нусхаси ҳуқуқбузарга топширилмаган, суд ижрочисига юборилмаган бўлса ва ҳ. к.), у ҳолда бундай қарор ижро этилмайди. Ушбу ҳолат бўйича хизмат текшируви ўтказилади ва айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли интизомий чора кўрилиб, бу ҳақидаги маълумот маъмурий иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

98. Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан тегишли банкка тўланади. Ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида жаримани ундириб олинишига йўл қўйилмайди.

99. Жарима тўланганлиги ҳақидаги квитанция ёки тўлов топшириғининг рақами ва санаси маъмурий ҳуқуқбузарликларни ва уларни содир этган шахсларни ҳисобга олиш журналига ёзиб қўйилади.

* 17-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

100. Ҳуқуқбузар жаримани белгиланган муддатда тўламаган тақдирда, жарима солиш ҳақидаги қарор нусхаси мажбурий тарзда ундириб олиш учун мазкур Йўриқноманинг 18-иловасига* мувофиқ шаклдаги хат билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг тегишли туман (шаҳар) бўлимларига юборилади.

11-боб. Ёнғин юзасидан терговга қадар текширув

101. Ёнғин юзасидан терговга қадар текширув (бундан буён матнда ёнғин юзасидан текширув деб юритилади) ишларини олиб боришда инспекторлар Жиноят-процессуал кодекси ҳамда ушбу Йўриқномага амал қиладилар.

102. ДЁН органлари томонидан ҳар бир ёнғин юзасидан текширув ўтказилади.

103. Ёнғин юзасидан текширув ишлари ДЁН органининг буйруғи билан инспекторларга юклатилади ёки уларнинг хизмат вазифаларида кўрсатилади.

104. Ёнғин юзасидан текширувлар 10 суткадан кечиктирилмаган муддатда ўтказилади. Ушбу муддатга ёнғинга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиб олинган вақтдан, то жиноят ишини қўзғатиш ёки ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида (ҳудудий жиҳатдан тегишлилик) қарор қабул қилингунгача бўлган вақт ҳисобланади.

Текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда инспекторнинг (ДЁН органи бошлиғининг) асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

105. Давлат ва жамоат биноларида, йирик, шунингдек, одамлар оммавий бўладиган объектларда содир бўлган ва қасддан ўт қўйилганлиги таҳмин қилинган ҳамда фуқароларнинг ҳалок бўлиши ёки кўп миқдорда моддий зарар келтирилган ёнғинлар ҳақида инспектор ёки ёнғин ўчириш раҳбари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга тезкор-тергов гуруҳини чақириш мақсадида ички ишлар органи ва прокуратурани хабардор қилишга мажбурдир.

106. Ёнғин содир бўлган жойга тезкор-тергов гуруҳи келганидан кейин инспектор терговчининг алоҳида тергов ҳаракатлари бўйича (ёнғиннинг бошланган жойи ва сабабини, қасддан ўт қўйиш изларини топишда, ёнғинга алоқаси бўлган техник ва бошқа ҳужжатларни олишда, ёнғиннинг содир бўлиш сабаби ва ривожланишга олиб келган шароитларни аниқлашда, ёнғинга қарши воситаларнинг ҳолати ва созлигини текширишда, ёнғин хавф-

* 18-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сизлигини таъминлаш учун берилган талаблар ва бошқаларни маъмурият, ташкилот, объект томонидан бажарилиши даражасини аниқлаш мақсадида воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида иштирок этади) топшириқларини бажаради.

107. Ёнғин юзасидан текширув давомида инспекторлар қўйидагиларни аниқлайдилар:

ёнғин бошланган вақт, жой, унинг ривожланиши ва ўчирилиши тўғрисидаги маълумотларни;

ёнғиннинг келиб чиқиш сабаби, айбдор шахслар ва уларнинг жавобгарлик даражасини кўрсатувчи шароитларни;

ёнғинда ҳалок бўлганлар ва тан жароҳати олганларнинг мавжудлигини, ёнғиннинг ўзига хос бошқа оқибатларини;

ташкилот, объектнинг ёнғингача бўлган ёнғинга қарши ҳолати ва уларни ёнғин билан боғлиқ бўлган сабаб-оқибат боғланишлари ҳамда ёнғиннинг тарқалиши ва юзага келган оқибатларини;

ёнғиннинг келиб чиқиш ва ривожланишига имкон туғдирган сабаб ва шароитларни.

108. Ёнғиннинг келиб чиқиш ҳолатларини текшириш жараёнида инспектор қўйидаги хизмат ҳужжатларини тузади ва (ёки) талаб қилиб олади: ёнғин ҳақидаги далолатнома (ёнғин бартараф этилгандан сўнг бир сутка давомида мазкур Йўриқноманинг 19-иловасига* мувофиқ икки нусхада тузилади ва ёнғиндан сақлаш хизмати вакили бошчилигидаги камида 3 нафар шахсдан иборат комиссия томонидан имзоланади);

воқеа (ёнғин) содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси мазкур Йўриқноманинг 20-иловасига* мувофиқ расмийлаштирилади;

ёнғин жойининг чизмаси мазкур Йўриқноманинг 21-иловасига* мувофиқ расмийлаштирилади — чизмада: ўлчамлари кўрсатилган ҳолда бино ва хоналарнинг режа-чизмаси, иситиш мослама, печь, газ ускуналарни ва бошқа жиҳозларнинг режада жойлашиши, ёнғин ўчоғи, алангадан зарар кўрган майдон, ҳалок бўлганларнинг топилган жойи, қулаб тушган қурилмаларнинг майдони, аланганинг тарқалиш йўллари ва йўналиши, тутундан зарар кўрган майдон, дунё томонлари, шамол йўналиши, ориентирлар (кўча, электрузатиш тармоқлари ва бошқалар), ёнғин жойига ёнма-ён жойлашган бино ва қурилмалар, зарур ҳолларда электр таъминоти, вентиляция ва бошқа шартли белгилар кўрсатилади. Чизма битта нусхада тузилиб, инспектор ҳамда текширув ишининг оқибатидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар вояга етган холислар томонидан имзоланади);

гувоҳлар, ёнғинни тасодифан кўрганлар, жабрланувчилар, айбдор шахслар, ёнғинни ўчиришда қатнашганлар, ёнғин содир бўлган объект ходимларининг тушунтириш хатлари мазкур Йўриқноманинг 22-иловасига* мувофиқ расмийлаштирилади;

ашёвий далилларни олиш далолатномаси (текширув ўтказётган шахс томонидан эркин равишда тузилиб, холислар томонидан имзоланади. Барча

* 19 — 22-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ашёвий далиллар ва уларни олиш жойлари воқеа (ёнфин) жойини кўздан кечириш баённомаси ёки ашёвий далилларни олиш махсус баённомасида батафсил тавсифланади. Намуналар олинган барча нукталар ёнфин жойининг чизмасида белгиланади ва зарур ҳолларда қисқа шарҳланади);

мутахассислар хулосалари (электрик, кимёгар ва бошқалар);

ёнфин хавфсизлиги мутахассисининг ёнфиннинг тахминий сабаби ҳақидаги хулосаси мазкур Йўриқноманинг 23-иловасига* мувофиқ ДЁХХнинг тегишли ходимлари томонидан тузилади. Унда ёнфиннинг тахминий сабабини кўрсатувчи ҳолат ва жиҳатларини ҳамда бошқа сабабларнинг ёнфинга тааллуқли бўлмаганлиги мантиқий исботланади. Ёнфиннинг тахминий сабаби фуқароларнинг тушунтиришларига, ёнфин ўчоғининг аломатларига, ёнфиннинг тарқалиш хусусиятларига, тегишли мутахассисларнинг хулосаларига, ашёвий далиллар ва бошқаларга асосланган бўлиши лозим).

109. Корхона ва ташкилотларда содир бўлган ёнфинни текшириш давомида инспектор объект раҳбариятидан қуйидаги ҳужжатларни талаб қилиб олиши шарт:

ёнфинни текшириш ва моддий зарарни аниқлаш бўйича комиссия тузиш ҳақидаги буйруқ нусхасини;

ёнфинни текшириш бўйича идоравий далолатномани;

ёнфиндан келтирилган зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатни.

Бундан ташқари, ёнфин содир бўлган объектларнинг раҳбарлари ва ишчилари томонидан тузилган керакли техник ва хизмат ҳужжатлари, шунингдек, ёнфин содир бўлган объектга тааллуқли ҳужжатлар сўралади.

110. Ёнфин юзасидан текширув бўйича ушбу Йўриқноманинг 24-иловасига* мувофиқ «Ёнфин юзасидан иш» юритилади ва унда текширувда тўпланган барча материаллар жамланади.

111. Ёнфинларнинг текширув натижаларига кўра, инспектор томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

жиноят ишини қўзғатиш учун тўпланган материалларни суриштирув ёки тергов органига юбориш ҳақида;

жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида.

112. Жиноят аломатлари ва Жиноят кодексида назарда тутилган оқибатлар мавжуд бўлмаса, ушбу Йўриқноманинг 25-иловасига* мувофиқ жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида қарор чиқарилади ва ДЁН органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

113. Ёнфин юзасидан жиноят ишини қўзғатиш рад қилинганда, қарор чиқарган инспектор ушбу Йўриқноманинг 26-иловасига* мувофиқ хабарномани расмийлаштириб, ёнфин содир бўлган объектнинг маъмурияти ёки фуқаролар (жабрланувчилар)га юбориши (тақдим этади). Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарорнинг кўчирма нусхаси прокуратурага юборилади.

114. Ҳар бир юритилган «Ёнфин юзасидан иш» тикилган ва варақлари

* 23 — 26-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рақамланган бўлиши лозим. Ёнғин ишидаги барча материалларга ушбу Йўриқноманинг 27-иловасига* мувофиқ намунадаги рўйхат тузилиб, ишнинг биринчи бетига тикиб қўйилиши лозим.

115. Ёнғинлар юзасидан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарорлар ҳамда жиноят ишларининг сонлари Ёнғинларни ҳисобга олиш журналининг тегишли графасида кўрсатилади.

116. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор ва ёнғинлар юзасидан тўпланган барча материаллар инспекторлар томонидан рўйхатга ва ҳисобга олиниб, маҳаллий ДЁН органларида белгиланган тартибда ва муддатларда сақланади.

117. Жабрланувчилар ёки уларнинг қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган шахсларининг, ёнғин юзасидан текширув материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки бошқа шаклда маълумотларни қайд этиб олиш бўйича берган сўровнома ёки мурожаатига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

118. Жиноят аломатлари мавжуд бўлган ёнғинлар юзасидан жиноят ишини қўзғатиш учун, инспектор томонидан тўпланган текширув материалларини терговга тегишлилиги бўйича ўтказиш мақсадида уларни ушбу Йўриқноманинг 28-иловасига* мувофиқ кузатув хати билан тааллуқли тергов органи бошлиғи номига юборилади.

119. Ёнғин юзасидан иш тергов органларига юборилгандан сўнг, инспектор Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига асосан терговчи ва суриштирувчига процессуал ҳаракатларни бажаришида қўмаклашади ва якуний қарор қабул қилингунга қадар мазкур жараённи кузатиб боради. Терговчи ва суриштирувчининг барча топшириқлари инспекторга терговга қадар текширувни амалга оширувчи (ДЁН) органининг бошлиғи орқали етказилади.

120. Ёнғиндан сақлаш хизмати чақирилмаган ёнғин бўйича объект маъмурияти, фуқаро (жабрланувчи)лар томонидан келиб тушган ариза ёки хабар (оғзаки ёки ёзма), ёнғин содир бўлган ҳудуддаги ички ишлар органида белгиланган тартибда қайд қилиниши лозим.

121. Туман (шаҳар) хизмат қилиш ҳудудидан ташқарида содир бўлган ёнғин тўғрисида ариза ёки хабар келиб тушган тақдирда, ДЁН инспектори томонидан ариза ёки хабарни ҳудудий тегишлилигига қараб юбориш масаласи ҳал қилинади. Ёнғин тўғрисидаги келиб тушган ариза (хабар) ушбу Йўриқноманинг 29-иловасига* мувофиқ расмийлаштириладиган кузатув хати билан кейинги текширув ҳаракатларини олиб бориш учун ёнғин содир бўлган ҳудуддаги ички ишлар органига юборилади.

12-боб. Ёнғинлар ҳисоботини юритиш

122. Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш қонун ҳуж-

* 27 — 29-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жатларига мувофиқ ёнғинларнинг сабаблари ва келиб чиқиш шароитларини таҳлил қилиш, аҳоли турар жойлари ва объектларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш, ёнғинларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, ёнғинларни ўчиришга шароитлар яратиш мақсадида олиб борилади.

123. Ёнғин ҳақидаги далолатнома, юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг аризаларига ҳамда таққослаш далолатномаларига асосан, ДЁН органлари ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари ушбу Йўриқноманинг 30-иловасига* мувофиқ Ёнғинларни ҳисобга олиш журналида қайд этилади. Журналда ҳар йилнинг биринчи кунидан охириг кунига қадар кетма-кетликда ёнғинлар рақамланади.

124. Ёнғин ва унинг оқибатларини автоматлаштирилган компьютер дастурига киритиш мақсадида ёнғинни текшириш материалларига асосан инспектор томонидан ўрнатилган тартибда ёнғинни ҳисобга олиш варақаси тўлдирилади ва унга ёнғинларни ҳисобга олиш журнаliga мувофиқ рақам берилади.

125. Ёнғинларни ҳисобга олиш ишларини юритиш ва Ёнғинларни ҳисобга олиш журнаlinи тўлдириш ҳамда ёнғинларни ҳисобга олиш варақаларидан маълумотларни автоматлаштирилган компьютер дастурига киритиш ишлари ДЁН органининг буйруғи билан ёки хизмат вазифаларида кўрсатилган ҳолда аниқ бир ходимга юклатилади.

126. ДЁН органлари ахборот-статистик маълумотномаларга асосан барча ёнғинлар ва уларнинг оқибатлари тўғрисидаги таҳлиллари ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик ва бир неча йиллик қилиниб тайёрланади.

Таҳлиллар жойлардаги демографик, иқлим, ўзгаришлар ва бошқа шароитларнинг ёнғинлар вазиятига таъсирини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиб, ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва иш режаларига киритиш билан тугатилади.

Ёнғинлар таҳлили жараёнида ёнғин хавфсизлиги хизматининг ишига салбий таъсир кўрсатаётган сабаб ва шароитлар аниқланади, ёнғиннинг олдини олиш ишлари ва ёнғин хавфсизлиги қисмлари фаолиятининг турли томонлари баҳоланади, профилактик ва тезкор-тактик фаолият кўрсатишнинг мукамаллаштириш йўллари кўрсатилади.

Ёнғинлар статистикасининг таҳлили жадвал, диаграмма ва бошқалар ёрдамида ёритилади.

127. ДЁН органлари кундалик фаолиятида объектларда ёнғин профилактика ишларини, ёнғинга қарши тарғиботни амалга оширишда, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотлар билан уларга тегишли объектларнинг ёнғинга қарши ҳимоясини кучайтириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилишда ёнғинлар таҳлилининг натижаларидан фойдаланишлари лозим.

128. Катта ва ўзига хос ҳамда инсонларнинг ҳалок бўлиши, шунингдек, бошқа оғир оқибатлар билан боғлиқ содир бўлган ёнғинлар тўғрисидаги маълумотларни ёнғинга қарши тарғибот ва ташвиқот ўтказиш учун маълумот та-

* 30-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рикасида Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ЁХБлари томонидан шаҳар ва туман ЁХБларга юборилади.

13-боб. Ёнғинга қарши тарғибот

129. Аҳоли орасида ёнғинга қарши тарғибот қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

жисмоний ва юридик шахсларни оммавий ахборот воситалари орқали ёнғин хавфсизлиги муаммолари ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш йўллари ҳақида хабардор қилиш;

ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини тарғиб қилиш бўйича кино-видео-фильмлар, видеороликлар, реклама маҳсулотлари (плакатлар, буклетлар, конвертлар, откриткалар, календарлар, сувенирлар ва бошқалар), махсус адабиётлар ва бошқа тарғибот воситаларини ДЁН органлари фаолиятини ташкил этиш учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида шартномалар асосида мазкур ишларни амалга оширадиган ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ҳамкорликда яратиш (ишлаб чиқиш) ҳамда юқорида санаб ўтилган маҳсулотларни тарқатиш;

муайян мавзуга бағишланган кўرғазмалар, кўриклар ва конференциялар ўтказиш, ёнғинга қарши йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар берилишини, шунингдек, аҳоли билан учрашувлар ўтказилишини ва ёнғин-техник марказларига ташриф буюрилишини ташкил этиш.

130. ДЁН органлари томонидан ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини тарғиб қилиш ишлари бепул амалга оширилади.

131. Инспекторлар ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича чиқишлар қилиш имкониятидан турли мажлисларда, маҳаллаларда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги йиғилишларда, конференцияларда ва ижтимоий-оммавий тадбирларда фойдаланишлари лозим.

Ушбу чиқишларида содир бўлаётган ёнғинлар таҳлилидан, ўзига хос ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши ҳолатларидан, ёнғинларни олдини олиш ва ўчириш бўйича ижобий ишларнинг мисолларидан фойдаланиш лозим.

132. Худудий ДЁН органлари томонидан ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича намунали суҳбат ва маъруза матнлари ишлаб чиқилиб, маҳаллий ДЁН органларига юборилиши лозим. Ушбу намунали суҳбат ва маъруза матнлари маҳаллий ДЁН органлари томонидан аниқ мисоллар ва содир бўлган воқеалар билан тўлдирилади ва хизмат жараёнида фойдаланилади.

133. Худудий ДЁН органлари ойига камида бир маротаба ёнғин хавфсизлиги мавзусида марказий, маҳаллий ва объектлардаги теле ва радиоканаллар орқали чиқишлар қилинишини, шунингдек, даврий босма нашрларда мақолалар чиқарилишини таъминлаши шарт.

134. Маҳаллий ДЁН органлари ҳар ойда радиоканаллар ва объектлардаги радио тармоқлари орқали чиқишлар ва эшиттиришлар ҳамда кабель телевидениеси орқали видеороликлар ва титрлар намойиш қилишини, шунинг-

дек, туман (шаҳар) кўп тиражли босма нашрларда мақолалар чиқарилишини ташкил қилиши керак.

Нутқ ва мақола матни ДЁН органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Қуйидагилар билан боғлиқ ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ОАВларда амалга ошириладиган чиқишларнинг мажбурий мавзулари бўлиши лозим:

ёнғин хавфи юқори бўлган даврнинг бошланиши;

қишлоқ хўжалиги тадбирларига тайёргарлик кўрилиши ва уларнинг ўтказилиши;

хафтанинг ҳар чорашанба куни ёнғинлар профилактикаси куни тадбири ўтказилиши;

давлат ва диний байрамларнинг ўтказилиши;

ўқув йили бошланишига тайёргарлик кўрилиши;

болаларнинг олов билан ўйнашларининг олди олиниши;

уй-рўзғорда ёнғин хавфсизлиги талабларини тушунтириш ва бошқалар.

135. Уй-жой секториди ва одамлар оммавий бўладиган жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилиши ёнғин техникаларининг кўргазмаси, ёнғин ўчириш услубларининг намоёниш этиш ва ёнғин ўчириш амалий спорти бўйича спортчиларни чиқишлари билан бирга амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Уй-жой секториди аҳоли билан учрашувлар ўтказиш даврийлиги ёнғинлар вазиятидан келиб чиқиб режалаштирилади.

Уй-жой секториди ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини тарғиб қилишга заруриятга қараб, ДЁХХ харбийлаштирилган ва касбий қисмларининг барча шахсий таркиби жалб қилинади.

14-боб. ЁҚТХВни монтаж қилиш, таъмирлаш ва фойдаланиш соҳасида бажарилаётган ишлар (хизматлар) сифати устидан назорат

136. Объектнинг ЁҚТХВ рўйхатига автоматик ёнғин сигнализацияси ва ўчириш қурилмалари, ёнғин тўғрисида хабарловчи техник воситалари, тунга қарши химоя қурилмалари, ёнғиндан сақловчи клапанлар, эвакуация ёриткичлари ва оловдан химоя қилиш воситалари киради.

137. ЁҚТХВни монтаж қилиш ишлари, уларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва ишчи ҳолатда тутилиши бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифатининг назорати инспекторлар томонидан объектларни фойдаланишга қабул қилишда ва уларни текширишда ҳамда кўрикдан ўтказиш жараёнида қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

ЁҚТХВни фойдаланишга қабул қилишда;

ЁҚТХВдан фойдаланиш жараёнида.

138. ЁҚТХВ фойдаланишга қабул қилиш ишлари, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган меъерий-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Қабул қилиш ишлари, буюртмачи-ташкilot раҳбарининг буйруғига асосан ташкил этилган ишчи комиссия томонидан амалга оширилади.

ЁҚТХВни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида инспектор ушбу Йўриқноманинг 67-бандида санаб ўтилган тадбирларнинг бажарилишини текширади.

Агар ЁҚТХВ фойдаланишга қабул қилиш жараёнида меъёрий-техник ҳужжатлар талаблари бузилганлиги ёки лойиҳа қарорларидан оғишлар ва ўрнатилган ЁҚТХВ фойдаланишга тайёр эмаслиги аниқланса, инспектор далолатномани имзоламайди, аммо комиссия раҳбарига асосланган камчиликлар рўйхатини ёзма равишда тақдим этади.

139. ЁҚТХВ мавжуд объектларни текшириш ва кўздан кечириш жараёнида инспектор ушбу Йўриқноманинг 67-бандида санаб ўтилган тадбирлардан ташқари қуйидагиларни текширади:

меъёрий-техник ҳужжатларда ўрнатилган ҳажмда ЁҚТХВ синовлардан ўтганлиги тўғрисидаги далолатномалар мавжудлигини;

ЁҚТХВнинг ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий-техник ҳужжатларда белгиланган тартибда иш қобилиятини.

140. ЁҚТХВни қабул қилиш ва ҳолатининг назорати натижалари, ушбу Йўриқноманинг 31-иловасига* мувофиқ юритиладиган фойдаланишга қабул қилинган ЁҚТХВ ҳисобга олиш ва уларни объектлардаги ҳолатини назорати журналида қайд қилинади. Журнални юритишни олиб бориш ДЁН органининг аниқ мансабдор шахсига буйруқ билан юклатилади.

141. ЁҚТХВ қабул қилиш ва ҳолатининг назоратини амалга оширувчи инспекторлар журнални ўз вақтида тўлдиришлари мажбурий, журнални юритилишига жавобгар шахс эса камида бир ойда бир марта Фойдаланишга қабул қилинган ЁҚТХВ ҳисобга олиш ва уларнинг объектлардаги ҳолати назорати журналининг тўғри тўлдирилишини текширади.

ЁҚТХВ қабул қилиш далолатномаси ва унга боғлиқ бўлган ҳужжатлар объектнинг НКИга тикилади.

15-боб. Қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда ва хизматларни сертификатлашда ДЁН органларининг иштироки

142. Юридик шахс (лицензия даъвогари)нинг аризаси ёки лицензия (сертификат) берадиган органларнинг мурожаатлари асосида ДЁН органи инспектори аризада кўрсатилган манзилда жойлашган объектга чиқиб, унинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида мазкур объектнинг ҳудуди, бино ва иншоотларини кўриқдан ўтказди.

143. Инспектор объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигига баҳо бериш учун, юридик шахс (тадбиркорлик субъекти) давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги, ижара шартномаси (агар тадбиркорлик субъекти бино, иншоот ёки хонани ижарага олган бўлса), лойиҳа ҳужжатлари, ёнғин хавфсизлигига жавобгар шахсларни тайинлаш ҳақидаги буйруқ нусхаси, объектнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини белгиловчи ҳужжатлар билан таънишишга ва улардан нусха олишга ҳақли.

* 31-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

144. Хужжатлар билан танишиш ва кўрик якуни бўйича икки нусхада далолатнома тузилиб, унда кўрик натижалари, шу жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқланган камчиликлар кўрсатилади ва бир нусхаси мурожаат этган тадбиркорлик субъекти раҳбарига ёки унинг вакилига нусхасига имзо қўйдириш орқали топширилади.

145. Тузилган далолатнома асосида объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида хулоса тузилади. Ёнғин хавфсизлиги талаблари бажарилмаган (тўлиқ бажарилмаган) ҳолатда мурожаат этган шахсга объект ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ эмаслиги ҳақида хулоса тақдим этилади.

146. Хулоса ДЁН органининг расмий бланкасида тайёрланиб, мазкур орган раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади ва мурожаат этган юридик шахс (тадбиркорлик субъекти)га топширилади ёки лицензия (сертификат) берадиган ваколатли органга электрон почта орқали юборилади.

147. Берилган хулосалар ушбу Ўйриқноманинг 32-иловасига* мувофиқ юритиладиган объектнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги (мувофиқ эмаслиги) ҳақида берилган хулосаларни ҳисобга олиш журналида ҳисоб рўйхатидан ўтказилади.

148. Далолатнома ва хулоса нусхалари объектнинг НКИда сақланади.

**16-боб. Ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши
бўйича мурожаатларни ҳамда ДЁН органлари мансабдор
шахсларининг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари
устидан шикоятларни кўриб чиқиш**

149. Ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши бўйича мурожаатлар ҳамда ДЁН органлари мансабдор шахсларининг ҳаракат (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари устидан шикоятлар, ўрнатилган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказилиши лозим.

150. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган ДЁН органининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади.

151. Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларда ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши ҳолатлари бўйича бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида тадбиркорлик субъекти фаолиятида ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, текшириш ўтказиш зарурати туғилса, бу ҳақидаги маълумотлар прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимига киритилади ва ўрнатилган тартибда текшириш ўтказилади.

152. ДЁН органлари:

муурожаатни ҳолисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида, заруриятга қараб жойига чиққан ҳолда ва муаллиф ёки унинг вакили иштирокида кўриб чиқилишини таъминлайди;

муурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва материал-

* 32-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларни бошқа давлат органларидан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларидан ва бошқа мансабдор шахслардан сўраб олишга ҳақлидир;

муурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича аризачиларнинг бузилган ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга ёки тиклашга қаратилган чораларни қўллайди. Муурожаатда келтирилган саволлар мазмуни бўйича ёзма жавоб хати беради.

153. Шикоятни кўриб чиқиш натижаси бўйича ДЁН органи:

ёнғин хавфсизлиги талабларининг бузилиши ҳолати тасдиқланганлиги ёки тасдиқланмаганлигини белгилайди;

шикоят юзасидан қарорни ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракат (ҳаракатсизлик)ларининг қонуний ёки ноқонунийлигини аниқлайди. Ноқонуний деб топилган тақдирда, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида қўлланилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилайди.

154. Муурожаат бўйича жавоб хати ДЁН органи раҳбари (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади ва муурожаатда кўрсатилган почта манзилига юборилади.

155. Муурожаатда кўрсатилган ёнғин хавфсизлигига тааллуқли саволларга жавоб берилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилган ва муаллифга қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ёзма жавоб юборилган бўлса, ушбу муурожаат кўриб чиқилган деб ҳисобланади.

156. Маслаҳатлар шахсан, телефон орқали, электрон почта (агар мавжуд бўлса) орқали муурожаат этилганда берилади, ёзма муурожаат олинганда эса — жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзма равишда берилади.

157. Маслаҳат бериш учун қабул вақтлари ДЁН органи бошлиғи томонидан белгиланади ва фуқароларга кўринадиган жойга жойлаштирилади.

158. Фуқаро шахсан муурожаат этганда, унга ДЁН органи мансабдор шахсининг хизмат хонасида маслаҳат берилади. Берилган маслаҳат ушбу Йўриқноманинг 31-иловасига мувофиқ юритиладиган маслаҳатларни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтказилади.

159. Маслаҳат бераётган ДЁН органи мансабдор шахси, муурожаат этган фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исмини (охиргиси мавжуд бўлса), муурожаат этишнинг сабабларини аниқлайди, бунда у қўйилган саволлар мазмуни бўйича керакли ҳужжатларни фуқародан сўраб олишга ҳақли.

160. Маслаҳат бераётган ДЁН органи мансабдор шахси, фуқаронинг розилиги билан оғзаки равишда жавоб беришга ҳақли.

161. Маслаҳат бериш вақтида қўйилган саволлар ечимини топиш имкони бўлмаса, шунингдек, фуқаро оғзаки жавоб олишга рози бўлмаса, ёзма равишда жавоб берилади.

162. Агарда тақдим этилган ҳужжатлар батафсил танишиб чиқилишини талаб этса, шунингдек, бошқа асосли ҳолатларда, маслаҳат бериш бошқа кунга қолдирилиши мумкин. Қайта маслаҳат бериш санаси маслаҳатларни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтказилади.

163. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича телефон орқали ва оғзаки муурожаатларга жавоб беришда ДЁН органларининг мансаб-

дор шахслари мурожаат этганларнинг қизиқтирган саволлари бўйича хушмуомалалик билан батафсил маълумот берадилар. Телефон кўнғироғига жавоб бериш, кўнғирокни қабул қилган шахс томонидан ўзининг фамилияси, исми, отасининг исми (охиргиси мавжуд бўлса), лавозими ва махсус унвони ҳақида маълумот беришдан бошланади. Берилган саволларга мустақил равишда ва асосли жавоб беришнинг имкони бўлмаса, кўнғирокни қабул қилган шахс бошқа мутасадди мансабдор шахс билан алоқани улаб бериши ёки кўнғирок қилиб, керакли маълумотни олиши мумкин бўлган телефон рақамини мурожаат этган шахсга бериши лозим.

17-боб. Яқуний қоидалар

164. Мазкур Йўриқномага илова қилинган хизмат ҳужжатлари бланкаларида ҳамда журналларидаги барча ёзувлар аниқ ҳолда, кўк ёки қора рангли сиёҳлар (паста) билан қайд этилади. Унда ўчириб ёзишга, тузатишга ёки илгари қайд этилган ёзувларни тузатиш воситалари ёрдамида йўқотишга йўл қўйилмайди.

Зарур ҳолатларда, хато билан қайд этилган ёзувлар илгари қайд этилган матнни аниқ ўқиш мумкин бўлган ҳолда ўчирилади. Янги ёзув айнан шу устунда (графада) қайд этилади.

165. Мазкур Йўриқноманинг иловасида келтирилган барча журналлар рақамлаб чиқилган, ип ўтказиб боғланган, охири саҳифасида ипнинг боғланган жойига қоғоз елимланиб, унга муҳр босилган ва тегишлича ёнғин хавфсизлиги бошқармаси котибиятида ёки туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлими (бўлинмаси) канцеляриясида рўйхатга олинган бўлиши керак.

Ушбу журналларни ИИБ томонидан белгиланган муддатларда маълумотлар дубликатини рақамли манбага сақлаб қўйиш ва ҳар йили қоғозли манбага архивация қилиш шarti билан электрон шаклда юритиш мумкин.

166. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Қурилиш вазири

А. ТУХТАЕВ

2018 йил 26 октябрь

*«Ўзстандарт» агентлиги
бош директори ўринбосари*

Ж. ШУКУРОВ

2018 йил 26 октябрь

*Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 25 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

959 Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/9-сон қарори (рўйхат рақами 3029, 2018 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 26-сон, 532-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 ноябрь,
35/3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
10 ноябрдаги 35/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта
айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 34-банд «ёнғин хавфсизлиги сигнализацияси,» деган сўзлардан кейин «видео кузатув камералари (бунда видеоёзув материаллари махсус архивда камида бир ой сақланади),» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 45-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«09002-сон шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикиб қўйилади.»

3. 55-банддаги «асосий ҳимоя белгиларга» деган сўзлар «асосий белгиларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 56-банднинг бешинчи хатбошидаги «асосий ҳимоя белгиларидан» деган сўзлар «асосий белгиларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 64-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш учун қабул қилинган банкнота ҳақиқий эмас деб топилганда улар бўйича валюта айирбошлаш операциялари амалга оширилмайди ва банкнота эгасига қайтариб берилмайди. Бундай турдаги банкнота бўйича уч нусхада далолатнома тузилган ҳолда, бир нусхаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, иккинчи нусхаси мижозга берилади ва учинчи нусхаси кунлик ҳужжатларга тикилади.»

6. 17-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
17-илова

09012-сон шакл

Тижорат банкининг эмблемаси

_____ (тижорат банкининг номи)

-сон маълумотнома

20____ йил «____» _____
(кун) (ой)

Шикастланган чет эл валютаси _____
(чет эл валютасининг суммаси рақам ва сўз билан,

номинали, серияси ва тартиб рақами, эмитент банкининг номи)

шикастланмаган чет эл валютасига _____
(чет эл валютасининг суммаси рақам ва сўз билан,

алмаштирилди.

номинали, серияси ва тартиб рақами, эмитент банкининг номи)

Воситачилик ҳақи ундирилди _____
(рақам ва сўз билан ёзилган сумма)

_____ (жисмоний шахс имзоси)

_____ (шохобча ходимларининг имзоси ва штампи)».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

960 Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 3 октябрдаги ЎРҚ–494-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сон қарори (рўйхат рақами 1642, 2006 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 470-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 10 ноябрь,
35/10-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил 10 ноябрдаги 35/10-сон қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий
операцияларни амалга ошириш қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 2-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«микромолиявий хизматларнинг миқдори, муддатлари, тўлови ва тўлик қиймати.».
2. 15-банд «банк» деган сўздан кейин «ёхуд суғурта ташкилотининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

961 Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–497-сон «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 79-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 1928, 2009 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 152-модда) билан тасдиқланган Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 13-бандининг биринчи хатбошисидаги «олти» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспер-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

тизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
549-мх-сон

Келишилган:

Адвокатлар палатаси раиси

А. ЭРНАЗАРОВ

2018 йил 6 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**962 Экстернат тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2670-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 13 апрелдаги 9-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2670, 2015 йил 11 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 19-сон, 236-модда) билан тасдиқланган Экстернат тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Вазир

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 ноябрь,
13-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг 2018 йил
15 ноябрдаги 13-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Экстернат тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон «Уму-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

мий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Аттестацияда умумий ўрта таълим дастурларини давлат таълим стандарти асосида 9-синф доирасида мустақил ўзлаштирган ва тегишли йилда 16 ёшга тўладиган ҳамда ундан катта ёшдаги фуқаролар, умумий ўрта таълим дастурларини давлат таълим стандарти асосида 11-синф доирасида мустақил ўзлаштирган ва тегишли йилда 18 ёшга тўладиган ҳамда ундан катта ёшдаги фуқаролар қатнашиши мумкин.».

3. Қуйидаги мазмундаги 5¹-банд билан тўлдирилсин:

«5¹. Умумий ўрта маълумот тўғрисида шаходатномага эга фуқаролар 11-синф доирасида аттестациядан ўтказилади.

Экстерн бир вақтнинг ўзида 9-синф ва 11-синф доирасида аттестациядан ўтказилмайди.».

4. 8-банднинг бешинчи хатбошисидан «экстерннинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Экстерн 9 ва 11-синфлардаги баҳолар (ўзлаштириш) табелига асосан аттестация ўтказилмайдиган фанлардан ижобий баҳоланган бўлса, ушбу фанлардан аттестациядан озод этилади.».

6. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Экстерннинг 9 ва 11-синфлардаги баҳолар (ўзлаштириш) табели бўлмаса, 9 ва 11-синфда ўқитиладиган фанлардан имтихон топширади, «Чизмачилик», «Тасвирий санъат», «Мусиқа», «Технология», «Жисмоний тарбия» фанлари бундан мустасно.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

963 «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан кучга киради.

**Раиснинг биринчи
ўринбосари**

Н. ШАРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 ноябрь,
01/15-1-10/38-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2018 йил 30 ноябрдаги
01/15-1-10/38-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 23 июндаги 4-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди сав-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

долларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2125, 2010 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 30-сон, 256-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 14 февралдаги 3-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 2125-1, 2012 йил 6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 10-сон, 109-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 20 июндаги 7-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2125-2, 2012 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 26-27-сон, 300-модда).

4. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 30 июлдаги 01/19-26/07-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 2125-3, 2013 йил 23 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 34-сон, 466-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 01/15-10/21-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 2125-4, 2017 йил 11 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1008-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

964 Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этишда кўмаклашиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2269-1*

«Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 27 сентябрдаги 3, 9, 20, 24, 15914, 01-02/12-18-сон қарори (рўйхат рақами 2269, 2011 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 39-сон, 407-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этишда кўмаклашиш тартиби ҳақидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 декабрь,
38-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 декабрь,
79-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 декабрь,
56-сон

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 декабрь,
9-сон

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси**

И. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 декабрь,
14-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 11 декабрь,
01-02/12-52-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар
вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Адлия вазирлиги, Давлат хавфсизлик
хизмати, Давлат божхона кўмитасининг
2018 йил 11 декабрдаги 38, 79, 56, 9,
14, 01-02/12-52-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсни Ўзбекистон
Республикаси ҳудудида дафн этишда кўмаклашиш тартиби
ҳақидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 16-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига» деган сўзлар «Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 43-банддаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги билан келишилган.

Келишилган:

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
МАК бош директори в. б.*

Б. ХАКИМОВ

2018 йил 10 декабрь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
АЖ бошқаруви раиси*

А. РАМАТОВ

2018 йил 10 декабрь

*Ўзбекистон автомобиль
транспорти агентлиги бошлиғи*

Д. ДЕХКАНОВ

2018 йил 10 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

965 Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 22 майдаги 160-сон буйруғи (рўйхат рақами 1963, 2009 йил 5 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 23-сон, 267-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 ноябрь,
26-2018-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2018 йил 7 ноябрдаги 26-2018-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари
битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги
низомига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Якуний давлат аттестацияси таълим йўналиши (мутахассислиги) ўқув режаларига мувофиқ қуйидаги турлардаги аттестация синовларидан иборат:

хорижий тил бўйича якуний давлат аттестация синови (олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига асосан ўтказилиши мумкин);

таълим йўналиши бўйича фанлараро (умумқасбий ва ихтисослик) якуний давлат аттестация синови;

диплом лойиҳаси ҳимояси;

битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси.».

2. 6 — 9-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Хорижий тил бўйича якуний давлат аттестацияси синови мазкур фаннинг давлат таълим стандартида белгиланган зарурий мазмундан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурида назарда тутилган материалларнинг талаба томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

7. Таълим йўналиши (мутахассислиги) бўйича фанлараро якуний давлат аттестация синови фанлар мазмунига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, талаба тайёргарлигининг мазкур таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича малака талабларида битирувчига нисбатан назарда тутилган умумий талабларга ҳам жавоб бера олиш даражасини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак.

8. Якуний давлат аттестациясини ихтисослик фанларидан (фанлараро) якуний давлат аттестация синови ёки диплом лойиҳаси ҳимояси ёхуд битирув малакавий иши (магистрлик диссертацияси) ҳимояси шаклида ўтказилиши битирувчиларнинг иқтидори, хоҳиши ва таълим хусусиятидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаси Кенгаши қарори билан белгиланади.

Якуний давлат аттестациясига олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига асосан хорижий тил бўйича якуний давлат аттестация синови қўшимча сифатида киритилиши мумкин.

Олий таълим муассасаси Кенгашининг қарори билан битирувчи учун белгиланган якуний давлат аттестациясининг шакли бир ўқув йили давомида ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Якуний давлат аттестацияси синовлари ўқув жараёни жадвалида кўрсатилган муддатларда факультет декани ёки ўқув-услубий бўлим (бошқарма)

томонидан тайёрланган, олий таълим муассасаси ўқув ишлари бўйича проректори томонидан тасдиқланган Якуний давлат аттестацияси синовлари жадвали асосида ўтказилади.

9. Олий таълим муассасалари томонидан етакчи профессор-ўқитувчиларни жалб этган ҳолда якуний давлат аттестацияси синовларининг дастурлари ҳамда баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ҳамда таянч олий таълим муассасаси билан келишган ҳолда олий таълим муассасаси Кенгаши томонидан тасдиқланади ва талабалар эътиборига етказилади.».

3. 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Олий таълим муассасасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган раислар раҳбарлигида олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) буйруғи билан хорижий тил бўйича якуний давлат аттестация синови (олий таълим муассасаси Кенгаши қарорига асосан) ва (ёки) таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича фанлараро якуний давлат аттестация синови ва диплом лойиҳаси ёки битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси ёки ихтисослик фанларидан якуний давлат аттестация синовини ўтказиш бўйича якуний давлат аттестацияси комиссиялари таркиби шакллантирилади.».

4. 15 — 17-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Якуний давлат аттестация синовлари бўйича якуний давлат аттестацияси комиссияларининг таркиби олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан битирув семестри бошланишидан бир ой олдин тасдиқланади.

Зарурият бўлганда аттестация синовларининг бири бўйича битта раис раҳбарлигида бир нечта якуний давлат аттестация комиссиялари тузилиши мумкин.

Якуний давлат аттестацияси жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Олий таълим муассасаларининг давлат аттестациясидан ўтмаган йўналиш ва мутахассислик битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси ушбу олий таълим муассасасининг юқори турувчи вазирлик (идора) томонидан ташкил этиладиган давлат аттестация комиссияси томонидан ўтказилади.

16. Якуний давлат аттестацияси синовлари бошланишидан олдин якуний давлат аттестация комиссияси раислари билан олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) шахсан якуний давлат аттестацияси комиссияларининг тайёргарлик даражаси, комиссия раислари ва аъзоларининг вазифалари, битирувчиларга қўйилаётган талаблар, тартиб-интизом тўғрисида йиғилиш ўтказилади.

17. Якуний давлат аттестацияси синовлари ёзма, тест ёки оғзаки усулда ташкил этилади ва ушбу тартиб олий таълим муассасаси Кенгаши қарори асосида таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан белгиланади ҳамда якуний давлат аттестацияси бошланишидан олти ой олдин талабалар эътиборига етказилади. Талабалар синов ўтказиладиган фанлар

дастурлари билан таъминланадилар, уларга тайёргарлик кўриш ва маслаҳатлар бериш учун зарур шароитлар яратилади.».

5. 19-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Якуний давлат аттестацияси синовлари ва диплом лойихаси ёки битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси ёхуд ихтисослик фанларидан якуний давлат аттестация синови якуний давлат аттестация комиссияларининг очиқ мажлисларида, аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган ҳолда, раис иштирок этмаган тақдирда раис ўринбосари раислигида ўтказилади.

Диплом лойихаси ёки битирув малакавий иш (магистрлик диссертацияси) ҳимояси ёхуд ихтисослик фанларидан якуний давлат аттестация синови ишлаб чиқариш базасида ташкил этилган кафедра филиалларида соҳанинг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда ўтказилиши мумкин.

Якуний давлат аттестациясига киритилган барча турдаги аттестация синовлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизимида мувофиқ аниқланади ҳамда якуний давлат аттестацияси комиссиясининг мажлис баёни расмийлаштирилгандан сўнг шу куннинг ўзида эълон қилинади.

Якуний давлат аттестациясига киритилган барча турдаги аттестация синовларида муаллифликни ўзлаштиришга (плагиатга) йўл қўйилмайди. Бундай ҳолат аниқланганда давлат аттестация комиссияси томонидан битирувчига тегишли аттестация синовидан қониқарсиз баҳо қўйилади ёки қўйилган ижобий баҳо бекор қилинади.».

6. 21 — 24-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Олий таълим муассасаси битирувчиси якуний давлат аттестацияси таркибига киритилган якуний давлат аттестация синовидан муваффақиятли ўтгандан сўнг унга мувофиқ даражадаги олий маълумот тўғрисидаги диплом ва унинг иловаси берилади.

22. Фанлар дастурларини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришган ва ўқув режасидаги барча фанларнинг камида 3/4 қисми бўйича 86 балл ва ундан юқори (5 баҳолик тизимда 5 баҳо (аъло) ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган, (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 баллдан (5 баҳолик тизимда ўзлаштириш кўрсаткичи 4 баҳодан (яхши) кам бўлмаган), шунингдек, якуний давлат аттестацияси синовлари бўйича камида 86 балл (5 баҳолик тизимда 5 баҳо (аъло) ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлган бакалавриат битирувчисига «имтиёзли» диплом берилади.

23. Якуний давлат аттестацияси синовидан ўта олмаган шахс ўқиш муддати тугагандан сўнг, аризасига мувофиқ якуний давлат аттестацияси синовини кейинги йилларда қайта топшириш ҳуқуқига эга. Бунда олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) шахсни якуний давлат аттестацияси синовини қайта топширишга қўйиш бўйича буйруқ чиқариши лозим.

24. Якуний давлат аттестацияси синовидан қайта ўта олмаган талабага академик маълумотнома берилади ва у ўрнатилган тартибда, тўлов-контракт асосида тегишли курсга ўқиш учун қайта тикланиши мумкин.».

7. 25-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

966 Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3098*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 сентябрдаги 768-сон «Гербли гувоҳномалар шаклларини такомиллаштириш ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифатини яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 декабрда эълон қилинган.

ки Ўзбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Давлат хизматлари агентлиги директори Х. Турахужаев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 декабрь,
554-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2018 йил 13 декабрдаги
554-мх-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи
органлар томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 сентябрдаги 768-сон «Гербли гувоҳномалар шаклларини такомиллаштириш ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифатини яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар (бундан буён матнда ФХДЁ органлари деб юритилади) томонидан гербли гувоҳномалар бланкаларини (бундан буён матнда гербли гувоҳномалар деб юритилади) тўлдириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Гербли гувоҳномалар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари асосида тўлдирилади.

2. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 сентябрдаги 768-сон «Гербли гувоҳномалар шаклларини такомиллаштириш ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг аҳолига кўрсатаётган хизматлари сифатини яхшилаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган гербли гувоҳномаларни тўлдиришга нисбатан татбиқ этилади.

3. Чет элдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш билан боғлиқ бўлган гербли гувоҳномаларни тўлдиришни мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

2-боб. Гербли гувоҳномаларни тўлдириш

4. Гербли гувоҳномалар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари қайд этилган алифбода тўлдирилади.

Гербли гувоҳномаларнинг устунларига киритиладиган ёзувлар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг тегишли устунларидаги ёзувлар билан бир хил бўлиши лозим.

5. Гербли гувоҳномалар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, фақат босма ҳарфлар билан, матрицали ва пурковчи принтерлар ёрдамида чоп этилади. Бунда шрифт қора рангда бўлиши лозим.

6. Ёзувлар гербли гувоҳноманинг тегишли устуни марказий қисмида киритилади.

7. Гербли гувоҳномаларни техник воситалар (компьютер) ёрдамида тўлдиришда 14 ўлчамли «Times New Roman» шрифтидан фойдаланилади.

8. Гербли гувоҳнома тўлдирилгандан сўнг ФХДЁ органи раҳбари томонидан имзоланиб, муҳр билан тасдиқланади.

Тўлдирилган гербли гувоҳномаларга тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди.

9. Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувининг айрим устунлари тўлдирилмаган бўлса, гербли гувоҳноманинг тегишли устунларига чизиклар қўйилади.

10. Туғилганлик ҳақида гербли гувоҳномада туғилган вақти, никоҳ тузилганлик ҳақидаги гувоҳномада никоҳ қайд этилган йил, ой ва сана рақамлар билан, «йил» сўзи ҳарфлар билан ёзилади.

Никоҳдан ажралганлик ҳақида гербли гувоҳномада никоҳ бекор қилинган йил, ой ва сана фақат рақамлар билан кўрсатилади.

11. Никоҳдан ажралганлик ҳақида гербли гувоҳноманинг «Guvohnoma» устунида у кимга берилаётган бўлса, шу шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади.

12. Ўлим ҳақида гербли гувоҳномада вафот этган йил, ой ва сана рақамлар кўринишида, «йил» сўзи ёзма шаклда ёзилади. Агар ўлим содир бўлган кун ҳақида аниқ маълумот бўлмаса, гувоҳномада фақат аниқ бўлган маълумот ёзилади, аниқ бўлмаган маълумот ўрнига чизик чизилади (масалан, -.08.2018, --.2018).

13. Гербли гувоҳноманинг «Tug'ilgan joyi» ва «Vafot etgan joyi» устунларида туғилган жойи ва вафот этган жойининг манзиллари далолатнома ёзувида қайд этилган кетма-кетликда жойлаштирилади.

14. Йўқолган ёки ярқисиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига такрорий берилган гувоҳноманинг юқори ўнг бурчагида «Takroriy» деб белги қўйилади. Белги қўлда, компьютер ёрдамида ёки штамп босиш орқали қўйилиши мумкин.

15. Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ёки тўлдириш киритилганда, тегишли ўзгартириш, тузатиш ёки тўлдиришлар акс эттирилган бошқа гербли гувоҳнома берилади.

16. Такрорий гербли гувоҳнома берилганда қуйидагилар ёзилиши лозим:

маъмурий-худудий бўлиниш ўзгарган ёхуд аҳоли пункти номи ўзгартирилган тақдирда, гербли гувоҳноманинг туғилган жойи, вафот этган жойи устунларида фуқаролик ҳолати далолатномасида ёзувлар қайд этилган вақтдаги жой номи;

ФХДЁ органи номи ўзгарган тақдирда гербли гувоҳноманинг «Qayd etish joyi» устунисида қайд этувчи органнинг такрорий гувоҳнома берилаётган вақтдаги номи;

фуқаролик ҳолати далолатнома ёзуви сақланаётган жой ўзгарганда гербли гувоҳноманинг «Qayd etish joyi» устунисида фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувини қайд этган орган номи.

17. Такрорий гувоҳнома, уни берган ФХДЁ органининг муҳри ва масъул ходими имзоси билан тасдиқланади.

3-боб. Яқуний қоида

18. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2018 йил 12 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ
ҚАРОРИ

967 **Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3099

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги ПҚ–3786-сон «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди ва Бош прокуратураси **қарор қилади:**

1. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 ноябрь,
52-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 ноябрь,
74-сон

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 ноябрь,
11-192-18-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 декабрда эълон қилинган.

Бош прокурор**О. МУРОДОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 20 ноябрь,
68-ққ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички
ишлар вазирлиги, Олий суди ва Бош
прокуратурасининг 2018 йил 20 ноябрдаги
52, 74, 11-192-18, 68-ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда
эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги ПҚ–3786-сон «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш ички ишлар органининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДЙХХХ деб юритилади) ходимлари томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича текширув (кейинги ўринларда текширув деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда текширилган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан сертификатланган транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан ҳавога чиқарилган этанол буғларини аниқловчи ва текширув натижаларини қоғозда акс эттирувчи махсус техник восита — алкотестер (кейинги ўринларда техник восита деб юритилади) ёрдамида амалга оширилади.

3. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича тиббий текширув бевосита ДЙХХХ ходимлари иштирокида туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларининг масъул ходимлари томонидан ўтказилади.

4. Қўйидагилар транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда эканлигини аниқлаш учун текширув ўтказишга асос бўлади:

- ҳайдовчининг оғиз бўшлиғидан алкоғол ҳиди келиши;
- ҳайдовчи бир ҳолатда тўғри тура олмаслиги (чайқалиб туриши);
- ҳайдовчи нутқининг бузилганлиги;
- ҳайдовчи қўл бармоқларининг қалтираши;
- ҳайдовчи юз териси рангининг сезиларли ўзгарганлиги.

2-боб. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш тартиби

5. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш ДЙҲХХ ходими томонидан техник восита ёрдамида қоидабузарлик юз берган жойнинг ўзида амалга оширилади.

6. Текширув олдидан ДЙҲХХ ходими транспорт воситаси ҳайдовчисини техник воситанинг ишлаш тартиби билан таништиради, зарур ҳолларда ҳайдовчининг талабига асосан техник воситага тегишли ҳужжатларни кўрсатади.

7. Текширув камида икки нафар холис иштирокида амалга оширилади, ДЙҲХХ ходими томонидан кузатув камераси (body camera)дан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган текширувлар бундан мустасно.

8. Текширув жараёнида ДЙҲХХ ходими транспорт воситаси ҳайдовчиси ва бошқа фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала, уларга нисбатан хатти-ҳаракатлари тушунарли ва қонун талаблари асосида бўлиши, шунингдек, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этиши лозим.

9. Текширув ўтказишда ДЙҲХХ ходими транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан чиқарилган ҳаво намунасини техник воситани қўллаш йўриқномасига асосан олади.

10. Транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан чиқарилган ҳаводаги этанол буғлари концентрацияси кўрсаткичи 0,135 миллиграмм ва ундан юқори бўлган ҳолларда ДЙҲХХ ходими ҳайдовчига нисбатан алкоғолли ичимлик истеъмол қилганлиги факти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 131-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштиради.

11. Транспорт воситаси ҳайдовчиси техник восита ёрдамида текширувдан ўтишдан бош тортган ёхуд унда техник восита орқали текширув натижаларига эътироз мавжуд бўлган ҳолларда ДЙҲХХ ходими транспорт воситасини бошқараётган шахснинг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш мақсадида тиббий текширувдан ўтказиш учун туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларига олиб боради.

12. Транспорт воситаси ҳайдовчиси текширувдан ўтишдан бўйин товланган тақдирда ДЙҲХХ ходими унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 136-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштиради.

13. Техник восита ёрдамида ўтказилган текширув натижаларига асосан, транспорт воситаси ҳайдовчиси алкоғолли ичимлик таъсиридан маст ҳолатда эканлиги аниқланмаган, бироқ унинг гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлиги белгилари мавжуд бўлган тақдирда шахс тиббий текширувга олиб борилиши лозим.

14. Транспорт воситаси ҳайдовчисининг маст ҳолатда эканлиги техник восита ёрдамида ёки туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан ўтказилган текширув натижалари асосида тасдиқланган тақдирда ДЙХХХ ходими томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 131-моддасига мувофиқ маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Маъмурий баённомага текширув техник восита ёрдамида ўтказилган тақдирда текширув натижалари бўйича ушбу воситадан чоп этилган маълумот, туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасалари ходимлари томонидан тиббий текширув ўтказилганда эса, тиббий хулоса илова қилинади.

3-боб. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтказиш тартиби

15. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун тиббий текширув унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий билети ва б.) асосида амалга оширилади.

Транспорт воситаси ҳайдовчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд эмаслиги уни тиббий текширувдан ўтказмаслик учун асос бўлмайди.

16. Шахсини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд бўлмаган транспорт воситаси ҳайдовчисининг шахсини аниқлаш ДЙХХХ ходими томонидан махсус дастурий таъминот ўрнатилган мобиль электрон қурилма (планшет)дан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Мобиль электрон қурилма (планшет) хотирасига киритилган транспорт воситаси ҳайдовчиси тўғрисидаги маълумотлар «онлайн» тарзда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси маълумотлар базаси орқали аниқланади.

17. Тиббий текширув транспорт воситаси ҳайдовчиси тўхтатилган (йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган) пайтдан бошлаб, узоғи билан бир соат ичида ўтказилиши лозим.

18. Транспорт воситаси ҳайдовчисининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш, наркологик диспансерларда наркологлар томонидан ёки соғлиқни сак-

лаш идоралари белгилаган туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларида махсус тайёргарликдан ўтган шифокорлар томонидан ўтказилади.

19. Даволаш-профилактика муассасаларида алкогольли мастлик ҳолатида эканлигига гумон қилинган шахслар барча тарафлама клиник текширувдан ўтказиладилар ва этанол буғлари бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида улардан фақат чиқарилаётган нафас ҳавоси намунаси олинади.

Шахснинг гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигига гумон пайдо бўлганда мастлик ҳолатини келтириб чиқарган моддани аниқлаш мақсадида биологик суюқликлар (пешоб, сўлак) текширувдан ўтказилиши шарт.

20. Мастликнинг клиник белгиларини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда (шошилич тез тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қилувчи ҳолатлар) текширувдан ўтказиш учун қон намунаси суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарори асосида тегишли даволаш-профилактика муассасаларида олинади.

Шахснинг алкогольли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда ҳолатда эканлиги тўғрисидаги тиббий хулосани чиқариш қоннинг лаборатор текшируви натижалари асосида амалга оширилади.

Шахснинг алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 0,3 промилле ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда чиқарилади.

21. Биологик суюқликлар олинган даволаш-профилактика муассасаларида тегишли лаборатор ускуналар бўлган ҳолда, ушбу суюқликлар текшируви шу муассасаларда ўтказилади ёки суд-тиббий экспертизалар ҳудудий бюrolари қошидаги кимё-токсикологик лабораторияларига текширув учун юборилади. Биологик суюқликларнинг олинishi ва намуналарининг етказилиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

22. Суд-тиббий экспертиза бюrolари томонидан кимёвий текширув натижаларининг далолатномаси биологик суюқликлар олиб келинган вақтдан етти кундан кечиктирмай берилиши шарт.

23. Чиқарилаётган нафас ҳавоси таркибидаги алкоголь миқдорини, инсоннинг биологик суюқликлари таркибидаги гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатига олиб келган бошқа воситаларнинг миқдори ва сифатини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасида қўлланишга рухсат этилган ҳамда текширувдан ўтган техник воситалардан фойдаланилади.

24. Шахснинг маст ҳолатда эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришда биологик суюқликларни махсус лаборатор текширувидан ўтказиш зарурати туғилса, хулоса текширув натижалари олингандан сўнг чиқарилади ва барча текширув натижалари баённомада акс эттирилади. Лаборатор текшириш натижаларининг асл нусхаси текширув ўтказган мутахассис имзоси билан тасдиқланган ҳолда тиббий текширув баённомасининг иккинчи нусхаси билан бирга сақланади. Баённоманинг биринчи нусхаси текширилувчини олиб келган мансабдор шахсга топширилади.

4-боб. Тиббий текширув натижаларини расмийлаштириш

25. Тиббий текширув натижалари бўйича мазкур Низомнинг 1-илова-сига мувофиқ икки нусхада баённома тузилади. Баённомада текширув са-наси ва тартиб рақами алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари таъ-сиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолатда эканлигини аниқлаш бўйича тиб-бий текширувдан ўтган шахслар ҳисобини юритиш дафтарининг тартиб рақамига мувофиқ ҳолда кўрсатилади.

26. Баённоманинг барча бандлари ҳеч қандай қисқартириш ва бошқа ўзгартиришларсиз тўлдирилади. Баённома тиббий текширувни ўтказган шифокор томонидан имзоланади ва текширув ўтказилган тиббиёт муасса-сасининг муҳри билан тасдиқланади.

27. Даволаш-профилактика муассасаларида текширувдан ўтказиш баён-номаси бланклари бўлиши шарт.

Даволаш-профилактика муассасаларида текширувдан ўтказиш баённомаси бланклари бўлмаган тақдирда уларда кўрсатилган барча маълумотлар акс этирилган ҳолда эркин шаклда баённома расмийлаштирилади.

Тиббий текширувдан ўтказилган шахсга, унинг талабига кўра, тиббий текширув баённомаси нусхаси (қоғоз ёки электрон шаклда) берилиши шарт.

28. Ўтказилган тиббий текширув тўғрисидаги маълумот мазкур Низом-нинг 2а-иловасида келтирилган махсус тикилган, рақамланган, тиббиёт муас-сасаси раҳбари имзоси ва ташкилот муҳри босилган дафтарда қайд этили-ши шарт.

Дафтарнинг тузилиши, уни юритиш ва сақлаш мазкур Низомнинг 2б-иловасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дафтарнинг тузилиши, уни юритиш ва сақлаш тартибини бузган шифо-кор ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

29. Текширилувчи шахснинг ҳолати тўғрисидаги хулосанинг асоси бўлиб, биологик суяқликларнинг ва чиқарилаётган нафас ҳавоси таркибининг ла-боратор текшируви натижалари инобатга олинган комплекс тиббий текши-рув натижалари ҳисобланади.

30. Текширилувчи шахснинг текширувдан ёки айрим текширув тури-дан бош тортган ҳолларда, шифокор томонидан дафтарга ва баённомада «текширувдан бош тортди» деб ёзиб қўйилади.

31. Тиббий текширув асосида хулоса тузилади, унда текширилувчи шахснинг текширув вақтидаги ҳолати аниқ ёритилиши зарур. Шифокор хулоса тузаётганда қуйидаги ҳолатлардан бирини белгилаши лозим:

мастлик ҳолати аниқланмади;

алкоғолли мастлик ҳолати аниқланди;

гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолати аниқланди (бу ҳолатда аниқланган модда кўрсатилиши шарт ва хулоса фақат модданинг аниқ ҳаққоний лаборатор таърифи бўлгандагина чиқарилади);

саломатлик ҳолати бўйича юқори хавф манбаи бор ишлардан четлатишни талаб этувчи функционал ҳолатнинг бузилишлари мавжуд.

32. Тиббий текширувдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги хулоса тек-

ширувдан ўтказилган шахсга уни олиб келган ДЙХХХ ходими олдида таништирилади.

33. Текширилувчида хулосага нисбатан эътирозлар мавжуд бўлган ҳолларда у бошқа тиббиёт муассасасида қайта тиббий текширувдан ўтказилишини талаб қилишга ҳақли. Бунда қайта тиббий текширувдан ўтказиш мастлик аломатлари аниқланган ёки йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган вақтдан эътиборан икки соат ичида бошқа яқин масофада жойлашган тиббиёт муассасасида амалга оширилиши лозим. Ушбу қайта текширувга текширилувчи ДЙХХХ ходими билан биргаликда етказилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

34. Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлган шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш зарурати юзага келган ҳолларда, фақатгина уларнинг розилиги билан мазкур Низомда назарда тутилган умумий асосларга кўра, текширувдан ўтказилади.

35. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Транспорт воситалари хайдовчиларининг
маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтказилганлик тўғрисидаги __ -сон БАЁННОМА

20__ й. «__» _____

Фамилияси, исми, отасининг исми _____

Ёши (туғилган йили) _____

Қаерда ва ким бўлиб ишлайди _____

Ким томонидан ва қачон (аниқ вақти) текширишга юборилган _____

Текширув ўтказилган кун ва аниқ вақт _____

Ким томонидан текширилган (шифокор) _____

Текширилиш сабаби: транспорт бошқараётганлик вақтида мастлик ҳолатига гумон, тиббий ёрдам кўрсатиш ва бошқа ҳолатларда текшириш (сабаби кўрсатилсин) _____

Текширилувчининг ташқи кўриниши: кийимлари ҳолати, тери қоплами, жароҳат (яраланиш, лат ейиш ва бошқалар) _____

Ўзини тутиши: зўриққан, индамас, таъсирчан, кўзғалувчан, жаҳлдор, эйфорик ҳолатда, эзма, мижғов, кайфияти ўзгарувчан, уйқусираган, ўз ҳолатидан шикоят қилади (айнан нимага) _____

Эс-ҳуш ҳолати, турган жойига, вақтга ва ўз шахсига бўлган мўлжали _____

Нутқ қобилияти: фикрларнинг боғлиқлиги, артикуляциянинг бузилиши, сўзларни ноаниқ талаффуз қилади ва бошқалар _____

Вегетатив қон-томир реакциялари: (тери қопламлари ҳолати, кўз шиллик пардаси, тил, терлаш, уйқучанлик) _____

Нафас олиши: тезлашган, секинлашган _____

Пульс _____ Қон босими _____

Кўз қорачиғлари: торайган, кенгайган, ёруғликка реакцияси _____

Томонларга қараганда нистагм _____

Ҳаракат доираси _____

Мимикаси: бўшашган, жонланган _____

Қадам босиши: (гандиракланган, оёқларини ҳар томонга ташлаб юради) _____

координатор синамалар: тез бурилишлар билан юриш (бурилишларда гандираклаш) _____

Ташен синамаси _____

Ромберг ҳолатида синама (оддий ва мураккаблаштирилган) _____

Аниқ ҳаракатлар (полдан тангани олиш, бармоқ-бурун синамаси) _____

Қовоқлар, тил, қўл бармоқларининг титраши _____

Текширилувчида марказий асаб тизимининг органик бузилишлари, руҳий-асаб касалликлар белгилари бор-йўқлиги, жисмоний толиққанлик _____

Илгари олган жароҳатлари (текширилувчининг сўзларидан) _____

Охирги истеъмом қилинган алкогольли ичимликлар ёки дори воситалари ҳақида маълумот: субъектив, объектив (ҳужжатлар бўйича ва бошқа ман-

балардан) _____

Оғиз бўшлиғидан алкоғолли ёки бошқа моддалар ҳиди _____

Чиқарилган нафас ва организмнинг бошқа биологик муҳитларида алкоғоль ва бошқа моддалар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги:

а) чиқарилган нафас алкотестер ёки Раппопорт усули ёрдамида текширилди _____

Текшириш натижалари ва ўтказилган вақти _____

Қайта текшириш натижалари _____

б) биологик муҳит (пешоб, сўлак, лаб юзасидан, қўл бармоқларидан олинган суртма) _____

қайси усул бўйича _____

синаманинг олинган вақти _____

Текширув вақти ва натижалари _____

Текшириш ўтказган тиббий ходимлар Ўз.Р.ЖКнинг 238 ва 240-моддалари бўйича жавобгар ҳисобланади ва огоҳлантирилган _____

Хулоса: _____

Текширув ўтказган шифокор имзоси _____

Текширилувчининг текшириш натижалари билан танишганлиги ҳақидаги ёзма билдируви ва имзоси _____

Транспорт воситалари хайдовчиларининг маст ҳолатда
 эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
 2а-ИЛОВА

**Мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтган
 шахсларни рўйхатдан ўтказиш
 ДАФТАРИ**

1	Т/р
2	Тиббий текширувга йўлланма, тўлдирилган сана ва вақт
3	Тиббий текширувга олиб келган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва хизмат гувоҳномаси рақами
4	Тиббий текширувга олиб келинган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили
5	Текширилувчининг яшаш манзили, иш жойи, лавозими
6	Текширилувчи шахсини тасдиқловчи ҳужжат
7	Тиббий текширувни ўтказган шифокорнинг фамилияси, исми, отасининг исми
8	Тиббий текширув ўтказилган сана ва вақт
9	Хулоса (кимё-токсикологик текширув натижаси билан бирга)
10	Тиббий текширув баённомасини олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими ва имзоси
11	Тиббий текширувни ўтказган шифокорнинг имзоси

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг
маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби
тўғрисидаги низомга
26-ИЛОВА

**Мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан
ўтган шахсларни руйхатдан ўтказиш дафтарини юритиш ва
сақлаш тўғрисидаги
ТАРТИБ**

1. Дафтар тиббий текширув ўтказиладиган тиббиёт муассасасида юритилади.
2. Дафтар тиббий текширув ўтказишда қатнашаётган тиббий ходим томонидан тўлдирилади.
3. Ҳар бир ўтказилаётган тиббий текширув уни ўтказаетган шифокор томонидан имзоланади.
4. Дафтар варақлари рақамланади, тикилади ва муассаса раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланади.
5. Тиббий текширувларни рақамлаш ҳар йили 1 январдан бошланади.
6. Дафтарнинг юритилиши энг ками ҳар уч ойда бир марта тиббий текширув олиб борилаётган тиббиёт муассасаси раҳбари томонидан текширилади, ҳар бир текширувдан сўнг текширув ўтказилган сана қўйилиб, имзо чекилади.
7. Дафтар учинчи шахслардан ҳоли жойда сақланиши лозим.
8. Тўлдирилган дафтар тиббиёт муассасаси раҳбари имзоси билан яқунланади ва 5 йил давомида тиббий муассасанинг ўзида сақланади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI MOЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**968** Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (4-сонли БҲС) «Валюта курси ўзгаришининг таъсири»ни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3100*

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (4-сонли БҲС) «Валюта курси ўзгаришининг таъсири» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ 2019 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 ноябрь,
142-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 13 ноябрдаги
142-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(4-сонли БҲС) «Валюта курси ўзгаришининг таъсири»**

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (4-сонли БҲС) «Валюта курси ўзгаришининг таъсири» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ молия органлари, ғазначилик бўлинмалари, давлат мақсадли ва бошқа жамғармалар ҳамда бюджет ташкилотларида (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) чет эл валютасида операцияларни юритишнинг норматив тартибга солинишини белгилайди.

Стандарт бюджет ҳисобининг бошқа стандартлари билан биргаликда қўлланилади.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 декабрда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

чет эл валютаси — муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, ҳазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, шунингдек, ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир;

чет эл валютасидаги операциялар — бюджет ҳисобида чет эл валютасида амалга оширилиши ёки ҳисоб-китоб қилиниши белгиланган операциялар;

чет эл валютасида операция амалга оширилган сана — ташкилотларда чет эл валютасидаги операция натижасида қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ актив ва мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириладиган сана;

курс фарқи — миллий валютага нисбатан чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан чет эл валютасида амалга оширилган операцияларда вужудга келадиган (ижобий, салбий) фарқ;

расмий курс — валюта операциялари бўйича бухгалтерия ва статистика ҳисоботи учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курси.

2. Стандартнинг мақсади чет эл валютасида ифодаланган актив ва мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда унинг маълумотларини молиявий ҳисоботларда очиқ бериш тартибини белгилаш ҳисобланади.

2-боб. Стандартнинг қўлланилиш соҳаси

3. Стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ташкилотлар ва ташкилотнинг хориждаги таркибий бўлинмаларида чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш учун татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ташкилотлар бюджет ҳисобини миллий валюта — сўмда юритади ва молиявий ҳисоботларни тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги бюджет ташкилотлари бюджет ҳисобини миллий валюта — сўмда ва хорижий валютада юритади, молиявий ҳисоботларни эса миллий валюта — сўмда тақдим этишлари лозим.

3-боб. Бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасидаги операцияларни акс эттириш

6. Чет эл валютасидаги операциялар бюджет ҳисобида содир этилган вақтда тўлов кундаги расмий курси бўйича миллий валютада акс эттирилади.

7. Қуйидагилар ташкилотларнинг чет эл валютасидаги операциялари бўлиб ҳисобланади:

а) активлар, ишлар, хизматларни чет эл валютасида харид қилиш ёки сотиш;

б) чет эл валютасида тўланиши ёки олиниши белгиланган кредитлар ёки қарзлар;

в) чет эл валютасидаги мажбуриятларни қабул қилиш ёки мажбуриятларни қоплаш;

д) чет эл валютасида ифодаланган активларни ҳисобдан чиқариш ёки қабул қилиш.

8. Бюджет ҳисобида чет эл валютасида ифодаланган актив ва мажбуриятларнинг қийматини ҳисоботларда акс эттириш учун сўмда қайта ҳисоблаш лозим.

9. Бюджет ҳисоби учун чет эл валютасида ифодаланган актив ва мажбуриятларни сўмда қайта ҳисоблаш чет эл валютасида операция содир этилган санадаги расмий курс бўйича амалга оширилади.

Чет эл валютасида айрим операцияларни амалга ошириш муддатлари Стандартнинг иловасида келтирилган.

4-боб. Курс фарқи

10. Чет эл валютаси курси қийматининг сўмга нисбатан кўтарилиш натижасида ижобий курс фарқи юзага келади.

11. Чет эл валютаси курси қийматининг сўмга нисбатан пасайиш натижасида салбий курс фарқи юзага келади.

12. Ташкилотларнинг чет эл валютасида ифодаланган актив ва мажбуриятлари ҳисобот даврининг сўнгги иш кунида чет эл валютасида операция амалга оширилган санадаги расмий курс бўйича қайта баҳолашни амалга оширади.

Бунда, ҳисобот даврининг сўнгги иш кунида ташкилотлар ягона ва шахсий ғазна ҳисобварағи, кассаси ҳамда бошқа ҳисоб рақамлардаги чет эл валюта маблағларини, шунингдек, чет эл валютасидаги молиявий активларнинг қийматини операция содир этилган вақтдаги расмий курс бўйича сўмда ифодалайди.

13. Қуйидаги чет эл валютасидаги актив ва мажбуриятлар бўйича курс фарқи аниқланади:

а) ягона ва шахсий ғазна ҳисобварағида, кассада ҳамда бошқа ҳисоб рақамлардаги чет эл валюта маблағлари;

б) чет эл валютасидаги пул эквивалентлари;

в) грант лойиҳалари маблағлари;

г) чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, аккредитивлар, кредитлар, заёмлар ва лизинг мажбуриятлари;

д) чет эл валютасида қабул қилинган молиявий мажбуриятлар.

14. Ташкилотларнинг чет эл валютасида харид қилинган асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатиладиган ускуналар, капитал қўйилмалар, товар-моддий захиралар бўйича курс фарқи аниқланмайди.

15. Ташкилотлар чет эл валютасини қайта баҳолашда ижобий курс

фарқини баланснинг молиявий натижалар бўлимидаги курс фарқидан фойда субсчётига, аксинча чет эл валютасини қайта баҳолашда салбий курс фарқи баланснинг молиявий натижалар бўлимидаги курс фарқидан зарар субсчётида акс эттирилади.

16. Ташкилотлар Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 308-сон шаклдаги «Бош журнал китоби»нинг тегишли субсчётларида ҳосил бўлган курс фарқини (ижобий ва салбий) йил давомида жамғариб боради ҳамда йил охирида ташкилотнинг якуний молиявий натижаси ҳисобидан чиқарилади.

5-боб. Ахборотни очиб бериш

17. Молиявий ҳисобот ва унга доир тушунтиришларда қуйидагилар очиб берилади:

- а) чет эл валютасидаги курс фарқидан кўрилган фойда ёки зарарлар;
- б) ҳисобот даври бошланиш ва сўнгги кундаги расмий курслар ўрта-сидаги фарқлар;
- в) ташкилот молиявий натижаларида акс эттирилган курс фарқлари;
- г) молиявий ҳисобот тузишда ҳисобот санасидаги расмий курси.

Ўзбекистон Республикаси бюджет
хисобининг стандарти (4-сонли БҲС)
«Валюта курси ўзгаришининг таъсири»га
ИЛОВА

**Чет эл валютасида айрим операцияларни амалга
ошириш муддатлари
РЎЙХАТИ**

Чет эл валютасидаги операциялар	Чет эл валютасидаги операция амалга оширилган сана
Чет эл валютасидаги шахсий ғазна ёки банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар	Чет эл валютасидаги пул маблағларининг шахсий ғазна ёки банкдаги ҳисобварақларга келиб тушиш ёки уларни банк ҳисобварақларидаги ҳисобдан чиқариш санаси
Чет эл валютасидаги касса операциялари	Чет эл валютасини кассага кирим қилиш ёки уларни кассадан бериш санаси
Чет эл валютасидаги даромадлар	Чет эл валютасидаги даромадларни ҳисобга олиш санаси
Чет эл валютасидаги харажатлар	Чет эл валютасидаги харажатларни ҳисобга олиш санаси
Товар-моддий захиралари ва бошқа активларни баҳолаш	Товар-моддий захиралари ва бошқа активларнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларацияси) мавжуд бўлганда, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санаси
Ҳисобдорлар бўйича чет эл валютасидаги ходимларга қарзларни акс эттириш	Бўнак ҳисоботини тасдиқлаш санаси
Чет эл валютасидаги қарзларни сўндириш	Чет эл валютасидаги қарзларни тўлаш санаси

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 8 декабрдан 14 декабргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 октябрдаги 228-сон «Давлат ёнғин назорати органлари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3097.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/3-сон «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/10-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-4.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги 549-мх-сон «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928-2.

5. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2018 йил 15 ноябрдаги 13-мх-сон «Экстернат тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2670-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 30 ноябрдаги 01/15-1-10/38-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва

материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-5.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 11 декабрдаги 38, 79, 56, 9, 14, 01-02/12-52-сон «Хорижий давлат ҳудудида вафот этган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дафн этишда қўмаклашиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2269-1.

8. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 ноябрдаги 26-2018-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1963-2.

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 13 декабрдаги 554-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар томонидан гербли гувоҳномаларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3098.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратурасининг 2018 йил 20 ноябрдаги 52, 74, 11-192-18, 68-ққ-сон «Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3099.

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 13 ноябрдаги 142-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (4-сонли БҲС) «Валюта курси ўзгаришининг таъсири»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3100.